- ҚБВ Radloff, W. Kudatku Bilik Facsimile der uigurischen Handschrift der K.K. Hof bibliothek in wien Herausgegeben von 8 r. St. Petersburg, 1890.
- ҚБН. Ёсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Қ.Каримов нашри). Тошкент. 1971. *قوتادغۇ بىلىك يوسىن خاھى حاجب* 1809. УЗСАИИ.
- Ҳайд.Х(ХХ.МА) Ҳайдар Хоразмий. Махзанул асрор, Британия музейи. 7914.
- ХК. Ҳамдоллоҳи Назвини. Наҳзатул қулуб УЗСАИИ, № 3621.
- ННен. E. Gabain, A. von. 1. Die uigurische Übersetzung der Biographie der uigurischen Hünen-tsang, Spaw, 1935. 151-180. 2. Briefe der uigurischen Hünen-tsang Biographie,

- Hüen. 1. Gabain, A. von. I. Die uigurische Übersetzung der Biographie der uigurischen Hüen=tsang, Spaw, 1935. 151-180.
2. Briefe der uigurischen Hüen=tsang Biographie, Spaw, 1938, с.37-415.

ХҲАТ. Ҳозирги Ўзбек адабий тили. Тошкент. 1986.

XX. АЮҲА Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул ҳақоийк" асари ҳақида. Тошкент, 1972.

Якин. Ҳк-ёй мунозараси. (Ў.Рустамов нашри). Советское востоковедение. № 4. М., 1974.

ЎЗМА МАНБАЛАР ТИЛИДАГИ УНЛИ ВА УНДОШ
ТОВУШЛАР УЧУН ҚўЛЛАНГАН ТРАНСКРИПЦИОН
БЕЛГИЛАР

Ўрхун-Енисей, қадимги уйғур ҳамда араб ёзуви туркий тилларга хос унли товушларни иқодалаш учун талабга тўла жавоб бермайдди.

XIII-XIV аср Ўзма ёдгорликлари араб ва қадимги уйғур ёзуви билан битилган, унли товушларни иқодаловчи белгилар тўлиқ эмас. Шунга кўра, унли товушлар сонини, сифатини ва талаффузини товушлар уйғунлигига мувофиқ, шунингдек, даврдош Ўзма обидаларни қиёсан ўрганиш ва мавжуд туркий тилларнинг фонетикасига солиштириш орқали аниқлаш зарур. Бундан ташқари, туркий сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларига, диахроник ва синхроник ҳолатларига асосланиб ўрганиш лозим. Қўридаги Ўзма манбалар тили хусусиятларига кўра, бу давр тилида асосан ўнла унли товуш мавжуд бўлган деб қараймиз. Бу унли товушларнинг бештаси орқа қатор; а, а̇, о, у, ы; бештаси олд қатор: э, э̇, ө, ү, и лардан иборат. Шунингдек, XIII-XIV аср Ўзма обидалари тилида айрим унли товушларнинг комбинатор варианты сифатида туркий сўзларнинг асосий позициясида баъзан а:̇, Э:̇ чўзиқ унлилар спорадик ҳолда қўлланган. Ўрганилаётган давр Ўзма ёдгорликлари назм ва наорда ўзилган, шунга кўра, баъзи асарлар тилида ваэн тузилишининг таъсири ҳисобга олинмиш лозим. Араб, форс сўзларида нисбий сифат ясовчи ёй (ى) унли "и" товушлари ва сонар "и" кўшилиб бўгин шаклида ташффуз қилинган. Араб, форс-тожик тилларига хос нисбий сифат ясовчи ёйлар (ى) туркий тиллардаги чўзиқ унлилар сифатида талаффуз қилинган эмас, сифат ясовчи нисбий ёйларнинг туркий тил хусусиятига мослашганини кўраимиз. Бу фонетик ҳодиса ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам мавжуд¹.

Сингармонизм қонунига асосланган руник ёзувида ҳар қайси унли товуш учун махсус белги олинмаган. Танглай гармониясига кўра, тил орқа ҳамда тил блд ундошлар учун махсус графим белгилар олинган, бир группа ундошлар индифферент ёзув белгилари би-

¹ К о н о ч о в А.Н. ГСҲЛЯ, С.152-153.

лап ифодаланган. Умуман, руник ёзуви консонантизм системасига асосланган. Араб ёзуви туркий тилларнинг фонетик системасини тўла ёритиш учун имконият бермади, араб тилига хос а унлиси учун алиф (ا), алиф фатҳа (آ), фатҳа (ـ) ҳойи қавваз (آ) орқали ифодаланган, араб тилида қўлланган чўзик а: унлиси учун алиф мадда (ا) исотемод қилинган. Кўрсатилган ёзма манбаларда ҳам туркий чўзик а: , э: унлилари алиф мадда (ا) ҳамда баъзан қўш алиф (ا ا) орқали ифодалана бошлаган.

XI-XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда унли ва ундosh товушларнинг миқдори, физиологик ва акустик, график хусусиятлари бир томондан, ўзаро яқин турса, иккинчидан, баъзи фарқли томонлар ҳам учрайди. Шунга кўра, кўрсатилган ёзма манбаларда қўлланган унли ва ундosh товушларнинг физиологик, артикуляцион хусусиятига, яъни ясалиш ўрнига ҳамда усулига кўра транскрипция килишда А.Н.Баскаков транскрипцияси асосга олинди (А.Н.Баскаков транскрипцияси Совет Иттифоқидаги кўлчилик туркологлар учун тушунарли бўлганлигини ҳисобга олдик). Араб ва қадимги уйғур ёзувлари билан ифодаланган унли ва ундosh товушларнинг график хусусиятлари ишимизнинг фонетика бўлимида берилади.

Унли товушлар транскрипцияси

№ шп	уйғурча ёзув белгилари	арабча ёзув белгилари	қўлланган транскрипцияси	артикуляцион ўрни ва усулларига кўра характеристика
1		ا آ	а (а:)	орқа қатор, кенг, лаблалмаган этиология - а
2		آ ا	ä	орқа қатор, очиқ, кенг лаблалмаган (араб, форс ўзларида).
3		آ ا	ä (ä)	олд қатор, кенг лаблалмаган.
4		آ ا	ä (ä:)	олд қатор, тўлиқсиз, кенг лаблалмаган
5		ا ا	о	орқа қатор, ўрта кенг,

6	ع	أ	е, о: ¹	лабланган олд қатор, урта кенг лабланган:
7	ح	أ	у	орқа қатор, тор, лаб- ланган
8	ع	أ	у	олд қатор, тор, лаблан- ган
9	ح	أ	ы	орқа қатор, тор, лаб- ланмаган
10	ح	أ	и	олд қатор, тор, лаблан- маган.

Туркий халқлар бу ёзма обидалар ёзилган даврда араб тили-
дан ўзлашган эфъатик ундошларни (**ث ذ ح ح ح ط**)
талаффуз қила олмаганлигини ҳисобга олдиқ, бу ундошлар туркий
тигга хос э, т, с товушлари орқали талаффуз қилинган, бунда биз
бу масалада Махмуд Кошғари² ва "Китоби махзуъайи таржимани
туркий ва ашамий ва мугалий ва форсий"³ асарлари авторларининг
диқрига асосландиқ.

Ундош товушлар транскрипцияси

п-п	ушурча ёзув белгилари	арабча ёзув бел- гилари	қўлланган транскрип- ция белги- лари	артикуляцион хусу- сийлар
1	ع	ب	б	жарангли, портловчи, лаб-лаб
2	ح	و	в	жарангли, сирғалувчи, лаб-лаб
3	ح	ف	w	жарангли, сирғалувчи, лаб-тиш
4	د	د	д	к-ли, портловчи, тил олди

¹ Чўзиқ унлилар баҳсига қаралсин.

² Махмуд Кошғари И.Д.Т.-I-том.48-бет.

³ Nautema M.T. Türkisch-arabisches glossar Nach der Leidener Handschrift. Herausgegeben und erläutert, Leiden, E.I.Brill. 1894

5		ذ	э	ж-ли, сиргалувчи, порт-чи тил олди
6	ا	ز غوظ	з	ж-ли, сиргалувчи, тил олди
7	ب	ج	ж	ж-ли, аффрикат (қоришиқ), тил олди
8	ع	ك	г	ж-ли, портловчи, саёз, тил орқа
9	ح	خ	ғ	ж-ли, сиргалувчи, чуқур тил орқа
10	ط	ز	к	ж-ли, сиргалувчи, тил олди
11	و	ب ب پ	п	ж-сиз, портловчи лаб-лаб
12	و	ف	ф	ж-сиз, сиргалувчи, лаб- тиш
13	ه	ت ط	т	ж-сиз, портловчи, тил олди
14	ه	ج چ	ч	ж-сиз, аффрикат (қоришиқ) тил олди
15	م	س س ش	с	ж-сиз, сиргалувчи, тил олди
16	ي	ش	ш	ж-сиз, сиргалувчи, тил олди икки (окусели)
17	ي	ك	к	ж-сиз, портловчи, саёз тил орқа
18	ق	ق	қ	ж-сиз, портловчи, чуқур тил орқа
19	م	م م م	х	ж-сиз, сиргалувчи, чуқур тил орқа, спирент
20	م	م م م	х	ж-сиз, сиргалувчи, бўғиз товуши
21	ن	ن	н	сонор, портловчи, бу- рун, лаб-лаб
22	ن	ن	н	сонор, портловчи, бурун, тил олди
23	ن	ن ن ن	ң	сонор, портловчи, бурун, чуқур тил орқа

24	1	С	Н	сонор, портловчи, сиргалувчи, бурун, коришиқ
25	2	С	л	сонор, сиргалувчи тилён
26	3	С	р	сонор, сиргалувчи, титрок, тил олди
27	4	С	й	сонор, сиргалувчи, тил
28	5	С	ь	урта айириш белгиси

ФОНЕТИКАГА КИРИШ

Туркий ёзма ёдгорликларнинг фонетик хусусиятларини ўрганиш анча илгари бошланган ва давом этмоқда, ёзма манбалар бўйича қилинган илмий ишлар эзув турларининг характериغا ва функциясига кўра унли ва ундош товушлар системасини ёритишга қаратилган¹. Бу илмий тадқиқотлар туркий тилларнинг фонетик структурасини диахроник ва синхроник томондан ўрганиш учун муҳим манбалардан ҳисобланади. Туркий тиллар фонетикаси тарихини қиёсий метод асосида текшириш ишлари жуда қадимдан бошланган. Шаҳмуд Қошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асаридида туркий тиллар фонетикасини тарихий-қиёсий метод билан ўрганиш ишини биринчи бўлиб бошлаб берган. Шаҳмуд Қошғарий томонидан фонетика босида баён этилган чиқарлар ёзма ёдгорликлар тилининг хусусиятларини ўрганишда ёрдам берувчи муҳим манбадир².

I Ш а л о в С.Е. ПД II Radloff W. Die Alttürkischen Inschrift der Mongolei, Zweite Folge, Die Inschrift der Tonjukuk, 1895, 1899. Kutadku Bilik Facsimile der uigurischen Handschrift der K.K. Hof bibliotekin S.Petersburg, 1890.

СССР ФАНИ Ленинград бўлими. С.245. Necib Asim احمد نو كاتر عبد الله
, 1915-1916. Resid Rahmat Arat. Edib Ahmad Yukneki, Atebetul Nakayik, Istanbul, 1951.

Bang, W. die Köktürkische Inschrift auf der Sudscitec des Kül-Tägin Denkmals. Leipzig, 1896. Thomsen, W. Alttürkische Inschriften aus der Mongolei Zeit. d. Deutsch. Morg. gesell., T.78. Leipzig, 1924-1925. قوناد غو سينيک معارف او قونغوجي
, 1925. Kutadgu bilig, tipkibasim, Istanbul, I. Viganà nüshasi, 1942. II, Fergana nüshasi, 1943. III. Misir nüshasi, 1943. Рифъат А. محمد بن الحسين بن محمد آلا تفری دیوان لغت الترك
1914-1915. Besim Atala J. Divanu-lugat-it türse'tercümesi, Endeks, Ankara, 1943. Orkun Hüseyin Namik, Eski türk yazitlari. Анкара I, 1936; II, 1939; III, 1941.

² Шаҳмуд Қошғарий, Девону луғотит турк, Тошкент. 1.1960, II. 1960. III. 1963.

Алишер Навоий ўзининг "муҳокаматул-дугатайн" асарида Махмуд Қошғарийнинг киёсий тилшунослик йўлини давом эттирди. Таржимон, Толи Имовий Ҳиравий, Мирза Маҳдихон асарларида ҳам туркий тилларнинг тарихий фонетикасига оид мулоҳазалар учрайди¹. Сўнги асарлар мобайнида туркий тилларда ёзилган ёзма ёдгорликларнинг фонетик хусусиятлари юзасидан бир катор илмий тадқиқот ишлари килинди². Шунингдек, лингвистик томондан кенг қўламда ўрганилиши лозим бўлган ёзма ёдгорликлар мавжуд. Фонетика бўйича қилинган ишлар асосан айрим ёзма ёдгорликларнинг вокализмини ва консонантизмни ўрганишга қаратилган. Туркий тилда ёзилган барча ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидандир. Ёзма ёдгорликларни ўрганиш ҳар қайси туркий тилнинг тарихий фонетикасини ёритиш учун ҳам зарур. Туркий тиллар фонетикасига оид мавжуд илмий ишлар³ туркий тилларга оид ёзма

¹ Houtsma, M. Th. Ein türkisch arabisches glossar Nach der Leidener Handschrift Herausgegeben und erläutert Leiden E. J. Brill, 1894.

Б о р о в к о в А. К. Вадаи-ал-дугат. Тали Имони Гератского к сочинениям Алишера Навои, М., 1961; Sanglax A. Persian to the Türkisch Language by Muhamad Mahdixen. London, 1960.

² М а л о в С. Е. ИДП; М е л и о р а н с к и й П. М. АЧЯ; М е л и о р а н с к и й П. М. ПЧКТ; Б а т м а н о в И. А. ЯЕД; Б о р о в к о в А. К. ОМУЯ, Ш, 174-193; Б о р о в к о в А. К. Ценный источник для истории узбекского языка // Изв. АН СССР. Отд. лит. и яз. Ташкент. Уш, Вып. 1, 1949; Б о р о в к о в А. К. Очерки истории узбекского языка. II, Опыт грамматической характеристики языка Среднеазиатского теңсира XII-XIII вв // Сов. Востоковедение, ТУИ, 1949; Р у с т а м о в А л и б е к. ФОНАН; М а х м у д о в К. ФОНАН; Щ е р б а к А. М. ГОНТТ.

³ Randloff, W. Altürkische Studien. I, II, III, IV, V, VI, Изв. АН 1909-1912. Phonetik der nördlichen Türk Sprachen, 1882. М а л о в С. Е. ИДП; Б а с к а к о в Н. А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969; Б о г о р о д и ц к и й В. А. Введение в татарское языкознание в связи с другими тюркскими языками, Казань, 1934; Законь сингармонизма в тюркских языках. Казань. 1927; Ф е в о р т я н Э. В. Фонетика турецкого литературного языка. М., 1955; Е т о ж е. Материалы по сравнительной фонетике турецкого, азербайджанского и узбекского литературного

обидалар тилининг фонетикасини ёритишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, туркий тилларнинг шевалари билан ёзма обидалар тилини қиёсан ўрганиш жуда зарурдир. Туркий тилларнинг тарихий фонетикасини ўрганишда аввало бирламчи чўзиқ унлиларнинг график ва фонологик хусусиятларини ўрганиш аҳамиятлидир. Чўзиқ унлилар тарихи тўла еритилмаган. Ўзбек тилининг Хоразм ва шимолий группа шеваларида бирламчи чўзиқ унлилар мавжуд. Шунингдек, ҳозирги ёкут ҳамда туркман тилларида ҳам бирламчи чўзиқ унлилар сақланиб қолган¹. Тарихий ёзма обидаларда иккиламчи ёки факультатив чўзиқлик ва берганичи ёки йўқми деган масала аниқ эмас. Чўзиқ унлилар ёзма ёдгорликлар тилида фонологик (ҳар бир унли товушнинг қисқа ва чўзиқликка нисбатан маъно ифодаси) қолати қандай даражада эканлигини белгилаш ҳам зарурий масаладир. Ёзма ёдгорликлар тилини реал ёритишда иккиламчи чўзиқ унлилар масаласини аниқлаш ҳам муҳим.

язков // Материалы по сравнительной грамматике тюркских языков. Фонетика, М., 1955; П о л и в а н о в Е. Д. К вопросу о долгих гласных в общетюркском произношении. Образцы несингармонических (иранизированных) говоров узбекского языка (Каршинский говор) // ДАН СССР, 1923. №5; П о ц е л у е в с к и й Н. А. Фонетика туркменского языка. Ашхабад, 1936; Р а м с т е д Г. Введение в алтайское языкознание. М., 1957 (перевод с немецкого языка); Р я с я н е н М. Р. Материалы по исторической фонетике тюркских языков (перевод с немецкого языка). М., 1955; Р е ш е т о в В. В., Ш а а б д у р а х м а н о в Ш. Фонетика узбекского языка. Ташкент, 1954.

I Щ е р б а к А. М. С4ТЯ. С. 122-138; Грамматика туркменского языка. Ашхабад. 1970, С. 39; Б а с к а к о в Н. А. ТЯ. С. 119, 120; Ю д а х и н К. М. Некоторые особенности карабулакского говора Узбек диалектологиясидан материаллар. I. Тошкент. 1957. 31-37-бетлар; Ш о а б д у р а х м о н о в Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот (Ўзбек халқ шевалари луғати). Тошкент. 1971. 404-407-бетлар.

Туркологияда, шунингдек, Ўзбек тилшунослигида ҳозирги Ўзбек тилидаги очик, кенг о (а) фонемасининг вужудга келиши тўғрисида турлича карашлар мавжуд. Маълумки, қадимги ва эски туркий тилда бу фонема мавжуд эмас эди. Эски Ўзбек тилида бу фонема маълум тарихий шароит асосида ўзлашган сўзларда пайдо бўлди. Ёзма ёдгорликлар тилини ўрганишда очик, кенг о (а) фонемасининг қадимги тилорка энг а фонемасига нисбатан фонологик ҳолатини белгилаш энг зарурий вазифалардан ҳисобланади.

Ёзма ёдгорликлар тилида э // э фонемаларининг дивергенция ва позицион ҳолати қай даражада эканлигини аниқлаш зарур, бу унлиларнинг ўзаро муносабати ҳақида турлича карашлар мавжуд. Бу фонемаларнинг тарихий диалектал ўрни ҳозиргача аниқланган эмас.

Иккиламчи чўзик унлиларнинг пайдо бўлишида фонетик ҳодисаларнинг роли қанчалик даражада эканлигини аниқлаш керак. Ёзма ёдгорликлар тилида ўзак доирасида иккиланган (геминат) ундош товушлари ифодаловчи айрим график белгилар учрайди. Тарихан ундош товушларда геминация ҳодисасига сабаб бўлган фонетик жараёнларни аниқлаб бериш жуда зарурий масалалардан ҳисобланади. Маълум даврга оид ёзма ёдгорликлар тилидаги консонантизмлар доирасида юз берган фонетик ҳодисалар диққатни ўзига тортувчи масалалардан биридир. Жарангли ва жарангсиз ундош товушларнинг позицион ҳолати, бу товушларнинг сонор ундошларга муносабати ҳам характерлидир.

Туркий тиллардаги ургу масаласи ҳақида бир катор туркий-шунос олимларнинг карашлари бор¹. Ургу тарихи туркий тиллар таълиқини ўрганишда муҳим масалалардан биридир, шунингдек, ҳозирги пайтда ургунинг туркий тилларнинг ички структурасига таъсирини ўрганиш зарурати ҳам пайдо бўлган.

Бугин тузилишини тарихий томондан илмий асосда ёритиш масаласида турлича карашлар давом этмоқда. Баъзи туркологлар тур-

¹ Г у л я м о в А.Г. Ударение в узбекском языке. Ташкент, 1947; Щ е р б а к А.М. ГОЯТТ. С. 73-74; К о н о н о в А.Н. ГСТЛЯ. С. 51-58; М а х м у д о в А. Словесное ударение в узбекском языке. Ташкент, 1960.

кий тилларда бирламчи ўзак-бўгин тузилиши тарихан ёпиқ, уч элементли ундosh+унли+ундошдан (с+г+с) иборат десалар¹, айрим олимлар туркий тилларда ўзак-бўгин қурилиши қисман диџтонглашиш, геминация ва бирламчи чўзиқликлар билан боғлиқ деб кўрсатадилар². Туркий тилларда бўгин тузилиши тарихини янада чуқурроқ ёрити ёки унга аниқликлар киритиш зарурати ҳам туғилган.

В о к а л и з м

Туркий ёзма манбалар тилида унли товушлар системаси умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, унинг ўзига хос томонлари ҳам учрайди. Қадимги туркий тил ёзма манбаларида асосан саккизта унли, ё, э, о, ө, у, ү, и, и товушлари қўлланган³. Биз ўрганаётган ёзма манбалар тилида асосан унта унли (а, ё, ө, ө, о, ө, у, ү, и, и) товуш истемол этилган. Лабланмаган очик кенг а унлиси ўзлашган сўзларда этимологик а товушининг фонетик варианты сифатида учрайди.

Ўрганилаётган баъзи ёзма манбалар тилида айрим ўринларда бирламчи а:, ё: чўзиқ унлилари бор бўлиб, булар ёзувда график белгилар орқали ифодаланган.

а, ү, ў, ы, и унлилари туркий сўзларнинг барча позициялари учун характерлидир, ё, о, ө товушлари эса турки сўзларнинг биринчи бўгинида, э унлиси эса биринчи бўгиндан кейинги позицияларда қўлланган. Бу давр ёзма обидалари тилида туркий сўзларда қўлланган унли товушлар сингармонизм қонунининг палатал-велярь (танглай) гармониясига риоя қилган. Маълум даражада лаб унлилари уйғунлиги маъжуд бўлган. Унли товушлар системасид турли фонетик ҳодисалар юз берган.

XIII-XIV аср ёзма ёдгорликларида қўлланган унли товушлар классификацияси:

¹ Ш о а б д у р а ҳ м о н о в Ш., И ш а е в А. Ўзбек шеваларидаги бир фонетик ҳодиса. (Ўзбек тили ва адабиёти, 4, Тошкент, 1969), 31-34-бетлар; К о н о н о в А.Н. ГСЛЯ, С.51.

² А б д у л л а е в Ф.А. ФХГ, С.34.

³ К о н д р а т ь е в В.Г. Грамматический строй языка памятников древнетюркской письменности VIII-XI вв. Л., 1981. С.17-18.

ясалиш җурнига кура:	олд қатор		: орқа қатор	
ясалиш усулига кура	: лабланма-ган	: лабланган	: лабланма-ган	: лабланган

Тор унлилар	и	у	и	у
Ўрта кенг унлилар		•		о
Тўлиқки кенг унлилар	э(э:)			
Кенг унлилар	•		а(а:)	
Кенг очиқ унли			ä	

Кенг унлилар

А унлиси. XIII-XIV аср ёзма обиделари тилида а унлиси этимологик, туркий сўзларда график позициядан қуйидагича ифодаланган: Сўз бошида (очиқ, ёпиқ бўғинда) алиф (ا), алиф қатҳа (آ), икки ундош орасида алиф ва алифсиз қатҳа ҳамда қатҳасиз, а унлиси қаттиқ айтилувчи сўзларда қўлланган: *التون* алтун (Таф., 31а) - олтин, *بشلا* башла (Рафг., 24а) - бошла; *اتام* атама (НФ, 8) - отам, *اندا* анда (ҲН, 3) - ерда, *قالدیلار* қалдилар (Рафг. 7а) - қолдилар, *قارا* қара (таф.476) - қора; *قانیم* қаным (XIII, 106) - қоним. Сўз ўртасида а унлиси алиф билан, ундошлар орасида қатҳа ёки қатҳасиз ёзилган: *اماندی* уманди (Таф. 376) - умид қилди, *ياراغسىز* ярағсиз (XIII, 76 а) - яроқсиз, *ارغاندى* арғанди (АЗФЛТ, 22) - қолқди, *بولماسا* болмаса (СС, 126а) - бўлмаса, *اراسيندا* аравинда (Рафг.56) - орасида, *يئلا تلا* йаңақла (Рафг.49а) - энгагига ур, *بولغاي* болғай (МН.3016) - бўлади. Сўз охирида (очиқ, ёпиқ бўғинда) а унлиси алиф, ундошлар орасида қатҳали ёки қатҳасиз, баъзан ҳойи ҳаявз билан ифодаланган: *تутماق* тутмақ (Таф.686) - тутмоқ, *يالماғач* йалағач (Таф.10а) - пайғамбар, *байға* байға (Таф. 47а) - бойға, *توقسان* тоқсан (Рафг.77а) - туқсон; *انا* ана (Рафг.326) - она, *асра* асра (XIII, 256) - асра, *اتلان* атлан (XIII, 51а) - отлан, *اتا* ата (НФ, 8) - ота, *چىقار* чықар, (НФ, 99) - чықар, *алмақ* алмақ (МН, 307а) - олмоқ, *табса* табса (МН, 2976) - топса, *وشال* ошал (МН, 293а) - уша.

Бу давр ёзма манбалари тилида туркий сўзларнинг барча позицияларида товушлар уйғунлигига, урғу, бўғин тузилиши, тил орқа

к, г ва бoшкa ундoш тoвушларнинг тaбoиригa кўрa, oчик ёки ёпиқ бўгинлардa а унлисининг артикуляцион хусусияти сакланган:

ياغينا таъига (Таф.10а) - тогига, يلاغ يالا w ач (Таф.16б) -

пайгамбар, قيقان қичқак (Рафг.49а) - қочқоқ, قوينداشلار қарвин-
дашлар (Рафг.41а) - оға-инилар, ترغاق таргақ (Нф,11) - та-

роқ, برجا барча (XIII, 2а) - барча, تجان қачан, (294а) - қа-

чон. Бир бўгинли сўзларда гармония ҳамда сўз урғусининг тaбoири

мавжуд, шунга кўрa, а унлисининг артикуляцион хусусияти тўла

сақланган. Чуқур тилорка портловчи "қ" ва тилорка сирғалувчи "ғ"

ва х ундoш тoвушлардан олдин е кейин келган "а" унлиси инлаут ва

ауслaутдa урғу тушиши ёки тушмаслигидан қатъий назар тўла талаф-

фузгa эгa. Бу ўриндa а унлиси билан чуқур тил орқa қ ва ғ, х ун-

дошлари ёпиқ бўгинни тaшкил қилиши ҳам бирoз тўла талаффуз этили-

шигa oабoу бўлган: хам хам (Таф, 57 а) - шaман; داخي дахви

(Рафг, 37б) - тагин; ياراغسز йарағсвз (XIII, 76а) - ярoқсиз, تيليق

қилoақ (Нф, 69) - қилсак, ياغور йағмур (Таф.28б).- ёғир,

تارتماق тартмақ (Таф, 18б) - тoртиoқ, قان қан (Рафг.6а) -

кoн, توبراق тoубрaқ (МН, 307а) - тoупрoқ; а унлиoи шaқлан индиф-

ферент ундoшлар билан ёнмa-ён келгaндa артикуляцион хусусиятини

oақлайди: باردى барди (Таф.28б) - бoрди, اللى алти (Таф.9а)-

oлти, اشну ашну (Рафг.8б) - oлдин, انلار анлар (Нф,69) -

улар, ياشар йашар (XIII, 19а) - яшар, بولماز болмаз (XIII, 33а) - бўл-

мас, تارتار тартар (МН, 302а) - тoртади. Қаттиқ айтилувчи сўзлар-

га қўшилган ча аффикoи сoставидаги а унлиси сингармонизм кoну-

нигa кўрa талаффузини ўзгaртирмайди, бирoз бўлoа-дa фонетик ва-

риант қoсил бўлиб, фонемалик хусусиятини йўқoтмайди: ياغينا

йaнғинчa (Таф. 38а) - кaйтгинчa; ياغينا oағшинчa (Таф.44а).

ҳисoбичa; قانچا қанчa (Нф, 410) - қанчa; انچا анчa (Рафг, 24

б) - анчa; برجا барчa (XIII, 2а) - барчa.

Кўрсатилган ёзма мaнбaлардa а унлисининг диaхроник ҳoлати

энг қaдимги туркий, қaдимги туркий, эoки ўзбек, ҳoзирги ўзбек

тили шевaларидa ҳамдa ҳoзирги қардош туркий тиллардa қўлланган

орқa қaтoр кенг лaбиaнмaган 'а унли тoвуши билан узвий боғлан-

гaв. Ёзма ёдгoрликлар, ҳoзирги туркий тиллар ва уларнинг шевa-

лари диaхроник ҳамдa синхроник плaндa кнёсий ўргaнилсa, туркий

тилларнинг энг қaдимги даврларигa oид тил хусусиятларини аник-

лаш мумкин бўлади. Айрим туркий тилларда¹ ва ёзма манбалар тилида Олтой, Хун даврларига хос фонетик хусусиятларни учратиш мумкин. Шумладан, XIII-XIV аср ёзма манбалари тилида а уңдиоининг градики, позиция ҳолатлари ҳамда баъзи комбинатор ўзгаришларга учраши ҳақида маълум даражада илмий ишлар қилинган².

Кўрсатилган ёзма манбаларда "а" унлиси билан орқа катор "о" товушларининг (а), (о) мослиги асосий позицияда учрайди³: تانا қарқар (Тақ.206) - қўрқар, قورقار қорқгай (Тақ.206) - қўрқади, اولار олар (Тақ.с.66; Рабг.916) - улар, // اولا алар (Тақ.21а; Рабг.,137а, XIII, 156; СС.76) // اوللار олар (Тақ.496) - улар; اوللار олар (Тақ.62а; Рабг.116.) // اوللار олар (Тақ.116а)-улар.

Орқа катор "а" товуши хун давридан шу кунларга қадар туркий ва мўғул халқлари тилларининг кўпчилигида ўз хусусиятини сақлаб келиши, бу унли товушнинг ҳар қандай позицияда ҳам фонетик ўзгаришларга ортиқча мойил эмаслигини кўрсатади. П.М.Мелиоранский култегин ёзма ёдгорлигида ўзининг характериға кўра, орқа катор унлилар билан келган сўзларнинг охирида ا белгиси ёзилса ҳам ёки сўз боши ва сўз ўртасида ا белгиси битилмаса ҳам, орқа катор негр "а" унли товуши мавжуд бўлади деб таъкидлайди⁴. Бианингча, ўрхун группа ёзма манбаларда каттик ўзақли сўзларнинг бошида қўлланган ا белгиси этимологик чўзиқ а: унлисининг градики белгисидир. Қадимги уйгур ёзма манбаларида а ҳамда э унлилари учун кўпинча бир хил белги олинган.

И.А.Батманов Ынисей ёзма обидалари тилида "а" унлисининг хусусияти унинг билан ёндош келган қаттик артикуляция ундошлар орқали белгиланади, деб кўрсатади⁵. Қадимги туркий тил даврида этимологик а унлиси қаттик талаффуз қилинувчи туркий сўзларнинг асосий ва кейинги позицияларида Ышоқ э товушига нисбатан тилнинг горизонтал йўналишиға кўра фонологик ҳолат касб этган:

1 Д м и т р и е в Н.К. Грамматика башкирского языка. М., Л., 1948. С.7.

2 м е л и о р а н с к и й П.М. АСТЯ.С.27; М а х м у д о в Қ. АЮДА, 24-26-бетлар.

3 Б а с к а к о в Н.А. ВИТЯ.С.148-152.

4 м е л и о р а н с к и й П.М. ПЧКТ.С.21-23.

5 Б а т м а н о в И.А. НЕП. С.18-19.

бай (Юд.210) - бой, қан (Тон,2) - хон; қаған (КТБ,35) - хоқон, атлвг (Сувр.4,5) - отли, бука (Тон, 6) - бука, ануң (Сувр, 3,5)- унинг, толғақ (Сувр, 7,6) тўлғоқ.

А унлиси XI-XII аср ёзма манбаларида ҳам орқа қатор, кенг, лабланмаган, XIII-XIV аср ёзма манбаларига графiк жиқатдан ўхшаш ва бир хил артикуляцияга эга¹: қабуғда (КБН,64в) - эшиқда, *احتى* ачты (КБН,63а) - очди, *يىلتاغى* йалғады (ДЛТ,III,321)- ялади, *ارتوت* артут (XX,21) - тортиқ, *ايغان* оглан (Замах,16) - боладар, *داش* даш (Замах.132а) - тов. Аммо "девону луготит турк" ёзма сибдаси тарихий диалектал хусусият касб этган, шунга кура, а унлисининг ёзилиш формасида айрим ўзгачаликлар учрайди, икки ундош орасида қатъа орқали ифодалаш кенг қўлланган: *يىلغدى* йалғады (Ш, 321) - ялади; *بىراق* байрақ (П,238) - байрок. Махмуд шошгарий асарига *اشباع* "ишбо" термини қўлланган, бу термин а ҳамда қаттиқ айтилувчи о, у товушларининг талаффузига ҳам бағишланган.

Этимологик а унлиси эски туркий тил ёзма манбаларига хоо артикуляция, позициян хусусиятларини эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларига сақлаган².

Эски ўзбек тилида поэзия таъсирида а унлиси бироз лабланган деб тахмин қилиш аниқ эмас, чунки аруз фонетикаси оўзлашув тили учун норма ҳисобланмайди³: *تارت* тарт (Лутф.1596) *تارتى* қайтқай (Нав, Ш,53), *توقسان* тоқсан (БН,2), *اتقۇچى* атқучы (ШН,47), *الاردىنا* алардын (Нав. МҚ, 147), *قاشتىده* қашвда (Яқин, 3216), *قاتلا* қатла (Ҳайд,Х,256). Қадимги туркий қамда эски ўзбек тили ёзма манбалари материалларига кура, "а" унлиси курсатилган даврда ҳам физиологик, акустик ва позициян томондан ўхшаш⁴. Этимологик "а" унли товуши барча туркий тилларда айрим

¹ Щ е р б а к А.М. ГОЯТТ. С.32.

² Щ е р б а к А.М. ГСУЯ. С.69-70.

³ Щербак А.М. ГСУЯ. С.68-69; Рустамов Алибек. ФМОЯН. 1966.

⁴ Малов С.Е. ИДП; Мелиоранский, АСТЯ; Махмудов К. ФМОЯХ, С.4-5; Кононов А.Н. РТ, С.118-119.

Ўзгаришлар билан сақланган¹. Туркий тилларда сингармонизм қонунига кўра, ҳар қайси унли товуш бошқа унлилар ҳамда ундoshлар билан муносабатга киришади. "А" унли товуши г,к, х ундoshлари ва каттик айтилиувчи унлилар билан келади. "А" унлиси туркий сўзларда о, у, Ў товушлари қўлланган сўзларда учрайди. Ўзбек тилининг сингармонизми шеваларида ҳам бу унли товуш муस्ताкил фонема сифатида мавжуд². Айрим ўзбек тили шеваларида "а" унлиси очик кенг "а" товушига нисбатан позициял вариант сифатида қўлланади³. Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларда а унлиси г, к, х ундoshлари билан ёндош ҳолда этимологик а товушига яқин талаффуз этилади: қандай, қанақа, қайси, қайчи, қалта, ахтар, туғаса, қайроқ; қази, тарик қаби. Ҳозирги туркий тилларда ҳам бу фонетик хусусиятни кўриш мумкин⁴.

Ҳозирги чувoш, еқут, мўғул тилларида кўрсатилган ёзма манбаларда қўлланган а // о унлилари мослиги мавжуд⁵.

Э унлиси XII-XIV аср ёзма ёлгорликларида юлшоқ айтилувчи к, г ҳамда шаклан индифферент ундoshлар билан қўлланган, туркий сўзларнинг биринчи бўйиндан кейинги позицияларда учрайди, Э унлиси ундoshлар орасида алиф, қатҳа, қатҳасиз, сўз охирида алиф, ҳойи ҳаввоз билан ифодаланган: *المر* илмөрү (Таф. 326) - илгарри, *توغال* туғал (Таф. 34а) - туғал, *كوركاي* кёрғай (Рафг. 25а) - кўрган, *يولدا* йёрда (Рафг. 4а) - жойда, эркөк (ҲН, 8) - эркак, *كەلگەي* келгәй (ХШ, 586) - келгәй, *ايچيندا* ичинда (Таф. 846) - ичи-

¹ К о н о н о в А.Н. ГСТЯ. С. 23; Ц е р б а к А.М. ССТЯ. С. 27-28, 35-36, 39-42; П о к р о в с к а я А.Д. РГЯ. С. 25; Т е н и ш е в Э.Р.; Г о д а е в а Б.Х. Язык желтых уйгуров, Л., 1966. С. 11. Б а с к а к о в Н.А.; КЯ. С. 34-36.

² И б р о х и м о в С. УАШ, 46-47-бетлар; З у ф а р о в С а ф о Сайрамовский говор узбекского языка, Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1968. С. 5.

³ И б р о х и м о в С. УАШ, 46-47-бетлар; Р е ш е т о в В.В. УЯ. С. 200-201; А т а м и р з а е в а С. Экспериментально-фонетические исследования наманганского говора узбекского языка. Ташкент. 1974. С. 35.

⁴ К о н о н о в А.Н. ГСТЯ. С. 23.

⁵ Б а с к а к о в Н.А. ВТЯ. С. 150-151; У б р я т о в а Е.И. Опыт сравнительного изучения фонетических особенностей языка некоторых районов Якутской АССР. Л., 1960. С. 33-45; Б а с к а к о в Н.А. Кўрсатилган асар, 152-157-бетлар; С а н ж и е в Г.Д. Старонисельский монгольский язык. Л., 1964. С. 38, 55.

да, *كوزينه* көзине (Рабт.4а) - кўзига, *البنه* элина (Таф.86а) - қўлига, *كەلسا* келса (НҒ,69) - келса, *تيكەنسەز* тикансиз (МН,302б) - тикансиз, *كەرسە* көрсә (МН,307а) - кўрса.

Қадимги туркий ёзма обидаларида э товуши барча позицияларда график жиҳатдан дифференциацияга учрамаган. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида юмшоқ айтилиувчи ва шаклан индифферент ундошлар асосида тузилган сўзларнинг охирида юмшоқ э унлиси учун ↓ белгиси қўлланган¹, юмшоқ артикуляцияли сўзларнинг э унлиси график томондан белгисиз ифодаланган. Олд катор кенг э унлиси XI-XIV аср ёзма манбалар тилида учрайдиган олд катор кенг э товушига асос бўлган. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида ↓ белгиси орқа катор а унли товушининг ҳам функционал ифодасидир.

Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида чўзиқ а: ҳамда э: унлиларини қисқа а, э товушларидан акратив заруратига кўра, сўз бошида э унлиси график жиҳатдан белгилар орқали ифодаланмаган, шунга кўра, қисқа а ва э унлиларининг ифодаси учун ↓ (илгак) белгиси ёзилмаган. Қадимги уйғур ёзувида олд катор кенг э ва орқа катор кенг а унли товушлари учун (кўпчилик ёзма ёдгорликларда) ёзув белгиси шу ўринда фарқсиз қўлланган.

Умуман айтганда, қадимги туркий тил ёзма манбаларида олд катор лабланмаган кенг э унлиси юмшоқ талаффуз этилувчи сўзларнинг барча позициялари учун характерлидир, э унлисининг ўзи кетма-кет еки башқа олд катор унлилар билан алмашиб қўлланган: эдгү (КТБ,6) - эзгү; йәр (тон, 11) - ер; эки (ИРҚб.2) - икки, эр(Сувр, 10) - киши; йәти (Тон,4) - етти; биргәрү (КТМ,3) - жануб, билгә (Тон, 8) - доно; кәлмәз (Тон, 22) - келмас; әрдәмлиг (Ирқб, 15) - шукратли; Тәбрәмәдин (христ, 13) - кимирламасдан. П.М.Мелиоранский Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида ↓ белгисининг қўлланишига ҳамда сўзларнинг характерига кўра, олд катор э (а) унлиси мавжуд, деб таъкидлайди, аммо бу белги учрамайдиган инлаутда ҳам э унлиси бўлиши лозим деган фикрни олдинга суради². И.А.Ватманов Енисей ёзма ёдгорликлари бўйича олиб борган илмий тадқиқот

¹ Малов С.Е. ЦДП. С.19-27, 56-61.

² Мелиоранский П.М. ПЧК.С.22-23.

ишида олд катор э (а) унли товушининг артикуляцион хусусияти шу унли товуш билан ендош келувчи кышқ ундошлар орқали белгиланади, деб кўрсатади¹. А.М.Щербак олд катор кенг э (а) унли товуши э унлисига нисбатан муस्ताкил фонема деб кўрсатган². В.В.Радлов кадимги унур эзма едгорликларида олд катор э(а) товуши борлигини таъкидлаган, аммо э (а) унлисининг комбинатор вариантлиги борлиги хақида бирор фикр айтмаган.³

Маҳмуд Кашгарий э унлисининг кышқ талаффузини эътиборга олиб, э товуши ва бошка олд катор қисқа унлиларни ишмом (*ايموم*) термини билан ифодалайди⁴. Умуман айтганда, XI-XII аср эзма манбаларида сингармонизм қонуни, туркий сўзларнинг этимологик хусусиятлари, туркий сўзлар таркибида к, г ундошларининг қўлланиши каби тил қодисалари э унлисининг мавжудлигидан дарак беради. Шунга кўра, "Девону луготит турк", "Қўтадгу билиг", "Лунақдима-тул-адаб" ҳамда "Дибатул-хақоник" каби эзма манбаларда ҳам олд катор лабланмаган э унлиси туркий сўзларнинг кейинги позицияларида истемол этилган деб қараб керак; *اذلك* эзлек (ДЛТ, I, 77) - замон, *اوزكاي* өзкәй (ҲБН, 1036) - қонсарак, *كوتازلك* қуқазлик (ҲБН, 316) - қибрлик, *اسان* эсан (АХ, 34) - эсон, *اسيرا* ичра (АХ, 4) - ичра, *اوزكөгә* өзкөгә (Заман, 120а) - қазабга. Алишер Навоий ўзининг "Муҳокаматул-луғатайн" асарининг бадиий маҳорат дунсобатига бағишланган бобида сўзларнинг омоним ва синоним турлари хақида сўзлар экан унли товушларнинг сифатига тўхтаган, бу масалада асосан сингармонизм қонуни хақидаги тушунчани уқтирган⁵. Шунингдек, сингармонизм қонуни эса эски ўзбек тилида олд катор лабланмаган кенг э унлиси мавжуд эканлигини кўрсатади. Алишер Навоий асарлари тилига бағишланган Алибек Рустамовнинг ишида ҳам э унлисининг характеристикаси яхши берилган⁶.

Шу билан бирга, эски ўзбек тили эзма манбаларидаги сўзлар-

¹ Б а т м а н о в И.А. ЯЕП. С.18-20.

² Щ е р б а к А.М. ГЛТ. С.33.

³ Radloff, W. Altürkische Studien, IV, ... изв.АН.УИ. Сер.IV. 5-6. СПб., 1912.

⁴ маҳмуд Кашгарий, ДЛТ, I, 50-бет.

⁵ Алишер Навоий, Муҳокаматул-луғатайн, I4-том, Тошкент, 1967.

⁶ Р у с т а м о в А.А. ОАН. С.23-25.

нинг график хусусиятлари ҳам э унлисининг мавжудлигидан далолат беради.

Эски ўзбек тили эзма манбаларида ҳам э унлиси туркий сўзларнинг асосий позицияларидан кейинги бўғинларда учрайди, график жиҳатдан ҳам эски туркий тил каби хусусиятга эга: *كراک* қарёк (Лутф, 161а), *نيجا* неча (Нав.Ш, 67), *اکاجى* эгачи (БН, 25), *برك* бирё (Нав.Ш, 98), *تومن* туман (Нав.ЛТ, 63) каби. А.М.Шчербак эски ўзбек тилида қўлланган э унлиси эски туркий тилга хоо э (ä) товуши, олд қатор тор и ҳамда этимологик а товушларига моо келмайди деб кўрсатади¹. Алибек Рустамов э унлисини этимологик а товушига фонетик вариант деб қарайди². Сингармонизм ҳодисаси кўмоқ ўзақди туркий сўзларда орка қатор кенг а унлисини қўлланишига йўл бермайди. Бизнингча, қадимги ҳамда эски туркий тил даврларида қўлланган э унлиси эски ўзбек тилида туркий сўзларнинг кейинги позицияларида сақланиб қолган. Бу фонетик ҳодиса туркий сўзларга хоо бўлиб, ўзлашган сўзларга алоқаси йўқ.

Ҳозирги ўзбек тили шеваларида эка (ад.орф. ака), эча (ад.орф. ача), айламак (ад.орф. айламоқ) каби сўзларда э унлиси қўлланади. Шунингдек, бу сўзнинг эча (ача) формаси Наманган шева-сида мавжуд³.

э (ä) унли товуши ҳозирги туркий тилларда турлича комбинатор ўзгаришга учраган. Ўғуз группасига мансуб усмонли турк тилида тарихан (ä) э товуши негизда асосий позициядан кейинги бўғинларда олдқатор ўрта кенг э ва унинг торроқ варианты е товуши вужудга келган⁴. Туркий тилларнинг ўғуз қабила группасига

¹ Ш чер б а к А.М. ГСУН. С.70.

² Р у с т а м о в А. Ф. ОАН, С.7.

³ И б р о қ и м о в С. УАН, 37=бет. А т а м и р з а е в а С. Указ. ооч. С.132. М а д р а х и м о в О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, Тошкент, 1973. 113-бет. А л и е в А. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент. 1974. 178, 188-бетлар.

⁴ К о н о н о в . ГСЛЯ. С.23-24.

кирувчи гагауэ тилида олд қатор кенг (а) э' унлиси ўзақдан кейинги бўғинларда, ясовчи, турловчи аффиколарда мавжуд. қийилик олмошининг I, II шахс бирлик формасида ҳам э (а) унлиси учрайди¹.

Ҳозирги уйғур тилида э (а) унлиси эр, йетти, бэр каби сўзларнинг асосий позициясида қўлланади². Айрим қипчоқ гуруҳларида э (а) унлиси дивергенция қодисаси орқали ўзақдан кейинги позицияларда тил олди, ўрта кенг э' (е) товушига ўтган. Бу унли товушининг комбинатор ўзгариши (э > э' > е) кўпроқ қорачой, қозоқ, хакэс, қорақалпоқ тилларида юз берган³. Ўзбек тилининг ўгуз гуруҳида шеваларида э (а) унлиси асосий позициядан кейинги бўғинларда⁴ физиологик ва акустик томондан кўрсатилган давр ёзма манбалари тилига яқин туради. Қипчоқ қабила тили асосида ташкил топган ҳозирги туркий тилларда⁵, ўзбек тили шеваларида ҳам э (а) унли товуши асосий позициядан кейинги бўғинларда баъзи комбинатор ўзгаришлар билан учрайди⁶.

XII-XIV аср ёзма обидалари тилида учрайдиган араб, форс-тожик сўзларида олд қатор, кенг лабланмаган э унлисининг пайдо бўлиш масаласи анча мураккаб, ўзлашган араб, форс-тожик сўзларидаги унли товушлар туркий тил кунунларига мослашиши маълум даражада юз берган, ўқимишли кивилар арабча, форсча-тожикча сўзларни, диний ибораларни араб, форс-тожик тиллари қоидаларига мувофиқ ўқишга мажбур эдилар, бу эса норма эмас. Шунга кўра, бу ёзма манбалар тилида учрайдиган, араб, форс-тожик сўзларининг талаффузида иккиланишлар содир бўлган. Ўзлашган а товуши туркий э унлисига ўхшамайди, шунга кўра, кўпинча ўзлашган сўзларга туркий тилларга хос грамматик кўрсаткичларнинг каттик варианты қўшилган. Сингармонизмли ўзбек тили шеваларида араб, форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг барча бўғинларида комбинатор ўзгаришлар ор-

1 Покровская И.А. ГГЯ.С.26-27.

2 Кайдаров А.Г. Развитие современного уйгурского литературного языка. Алма-Ата, 1969.С.271.

3 Аралбаев Э.А. Вокализм казахского языка, Алма-Ата, 1970. С. 60-62, 63, 83-87, 105, 114-122; Щербак А. М. СЭЯ, С.25-28, 30-32.

4 Абдуллаев Ф.А. СХГ, С.40-42.

5 Современный татарский литературный язык. М., 1969.С.32; Баскаков Н.А. КЯ, П, С.31.

6 Решетов В.В. УЯ, С.196-197; Отамирзаева С. Кўрсатилган асар, 34-77, 82-бетлар.

қали туркий э га мос келувчи унли товуш вужудга келган¹. Бу фонетик қодиса қўпинча ўзағида к ундови бор араб, форс-тожик сўзларида кз берган: Кәрим, Кәрімәт, кәсәбә, Ҷкбәр, тәжик, тәркиб, тақбир, гәжәк, пәнжәрә ва бошқалар. Иккинчидан, араб, форс-тожик сўзларида қўлланган х ундови туркий тил конуллариға мослашган. Ҳ ундови ҳәл, ҳәкуз каби ышқоқ айтидувчи сўзларда қўлланади. Шунга кўра, таркисида ҳойи мими (ʒ) ҳойи ҳаввоз (ʒ) учрайдиған араб, форс-тожик сўзларида аналогик йул билан э унлиси қосил бўлган, орқа қатор а товушиға яқин айтидувчи ўзлашган а товуши туркий тилға мослашиб, э унлисиға ўтган: а > э, ҳашар > хәшәр, ҳар > хәр, ҳамид > хәмид, ҳасрат > хәсрәт каби.

Э унлиси XIII-XIV аср Ҷама обидаларида ышқоқ айтидувчи туркий сўзларнинг биринчи очик, ёшиқ бўғини учун характерли, шаклан индифферент ундовлар билан бирға қўлланади. Шунингдек, э унлиси таркибида к, г ундовлари қўлланган туркий сўзлар составида учрайди. Э унлиси сўз бошида алиф ёки алифё билан ифодаланган:

اينىكә (таф. 83а) - уйига; **الک** элик (Таф. 106а) - кўл, **ادىز** эдиз (Рабг. 916) - юсоак; **امکات** эмгәт (XIII, 72а) - кийна, **اشيت** эшит (МН, 294а) - эшит; **امدى** эмди (Азфлт, 16) - энди, **элт** (Таф. 276) - элт; **ايش** (Рабг. 276) - уй; **эл** (XIII, 75а) - эл; **ايشک** (эшик (МН, 294б, 8) - эшик,

ایسا эрсә (НФ, 206) - эса. Ўзақ таркибидаги ундовлар орасида э унлиси алиф, қасра, ё билан ёзилган:

мен, **بیش** бәш (Таф. 276) - беш; **تەمәк** тәмәк (Рабг. 139а) - дәмәк, **کەل** кәл (Рабг. 151а) - кел; **سەن** сән (Рабг. 100а) - сән; **نەң** нәң (XII, 86) - нарса; **кәл** (XIII, 8а) - кел; **نەчә** нәчә (МН, 295а, 1) - неча; **سەни** сәни (МН, 296а) - сени; **مەни** мәни (НФ, 206) - мени; **تәмир** (Азфлт, 30) - тәмир; **بەرگил** бергил (Азфлт, 95) - бергин; **قانай** (НФ, 69) - қандай.

Ундов билан бошланувчи бир бўғинли туркий сўзларда э унлиси алифё ҳамда ҳойи ҳавваз орқали ифодаланган: **на** нә (Таф. 30а) - на, **на** нә (Таф. 89а) - на; **на** нә (Рабг. 100а) - на; **на** нә (Рабг. 4а) - на; **де** тә (НФ, 410) - де.

1 Турғунов А. Фонетическая структура балкчинской группы. Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1969. С. 13.

Урхун-Бнисей, қадимги уйгур ёзма ёдномаларида э унлисида дивергенция ҳодисаси юз берганлиги ҳамда олд қатор лабламанган Тор и товуши, тўлиқсиз кенг э унлисига ўтиши маълум эмас. Юқорида ги тил материалларига кўра, XI-XIV аср ёзма манбаларида э унлиси э товушига (э > э) ўтган деб қараймиз; график жиҳатдан э унлиси э товушидан маълум даражада ажраб туради, "Девону луготит турк" асарида э унлиси сўз бошида кўпинча алиф, икки ундош орасида фатҳа орқали ёзилган: бэг (КТМ,1) > بگ бэг (ДЛТ, Ш, 169; ҚБН,147а; Таф: 9б; УН,23) - бек; кэч (КТМ,4) > كچ кэч (ДЛТ, П,11; ҚБН,54 б; Рабг.24 а; ХХ,79; Таф.28а)-кечмоқ; Эдлу (Ирқб.1) > ادلو (Эзгу (ДЛТ,1,149; ҚБН,156; Рабг.24а;Таф.18б) - эзгу; эшит (Сувр.610) > اشت эшит (Таф., 63б; ДЛТ,1,218; ХХ.36; ҚБН,23а; Рабг.25а) - эшит; сен (КТМ,8) > سن сен (ДЛТ,Ш,153; ҚБН,184а; ХХ.130; Таф.210; Рабг.100а; АН,296а; ХШ,72а) - сен; йир (КТМ,4) > ير йир (ДЛТ,Ш,156; ҚБН, 9б; ХХ,247; Таф.54б; УН,3) - ер, жой; ил (Тон,1) > ال ил (ДЛТ,1,83; ҚБН,11б; Таф.9а; Рабг.30а; ХХ.253) - эл, ўлка, юрт. Э унли товушининг биринчи бўгинда мустақил фонема сифатида вужудга келиши ҳақида турколог олимларнинг турлича қарашлари мавжуд. А.М.Щербак э унлиси олдқатор, лабламанган, кенг э (а) товушининг торайиши натижасида, шунингдек, диалектал хуосусиятлар асосида вужудга келган деб кўрсатади¹.

П.М.мелиоранский алиф (ا), фатҳа (—), касра (—) ва ё (ع) билан ифода этилган график белгилар ҳақида сўзлаб, бу ёзув белгилари э унлисининг талаффуз этилишини кўрсатади, деб уқтиради². Бундан ташқари, бу унли товушининг эволюцион тараққиёти ҳақида бошқа туркологларнинг фикрлари ҳам мавжуд³.

Эски ўзбек тили ёзма манбалари жумладан, Алишер Навоий асарларида олд қатор, тўлиқсиз кенг э фонемасининг позициял вариантлари э унлиси мавжуд эканлиги ҳақида А.К.Боровков таъкидлаб

¹ Щербак А.М. ГРАММ.С.32-33.

² Мелиоранский П.М. АСТЯ.С.26-27.

³ Махмудов Қ. Ўзбек тилидаги э фонемасининг тарихига доир//Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари.1961.2-сон.

Ўтади¹. كيرك кәрәк (лутф, 161а); نجا нәчә (Нав.ФШ;67);
 تېگىز тәгүз (Нав. ФШ,81); ايتايىم эгәчи (ФШ,25);
 ارگىن эргин (Нав. ХА,34); ايردى эрдә (ФШ,2);
 ابو әв (Ш.Тар, 19). Алибек Рустамо в Навоий воарларида

туркий сүзларнинг биринчи бугинида э унласияннг позициян на-
 рланга э товуш мавжуд эканлагини күрсатиш билан бирга, истех-
 мол, истехком каби унлашган чет сүзларнинг кейинги бугинларида
 ҳам учрайдиган э (е) товуш борлагини уктаради². Туркий тиллар-
 да тарихан олд қатор, кенг э (а) ва олдқатор, тулиқоиз кенг
 э унлиларида дивергенция юз берили мураккаб тил ҳодисалари би-
 лан боғлиқлар. Бу унли (э) товушининг язага келишида қадимги
 туркий тилларга хос фонетик ҳодисалар, грамматик категориялар,
 қабулвий тил хусусиятлар, ургу ва просодик ҳодисаларнинг роли
 бор. Шунингдек, янги тил ҳодисасияннг пайдо бўлиши ўз-ўзидан ке-
 либ чакмайдя, балки товушлар муносабати ёки комбинатор ўзгариш-
 лар билан юз беради. Булардан ташқари, тилларнинг ривожланишида,
 айрим комбинатор ўзгаришларнинг вужудга келишида спонтан ҳоди-
 салар ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳодисалар умуман ривожланишнинг бир
 кўранишидир³. Шунга кўра, э унли товушининг вужудга келиши
 қуйидаги тил ҳодисалари билан боғлиқлар:

1. э (а) унласияннг дивергенция ҳодисасига учраши натижа-
 сида э товуш туркий сүзларнинг асосий позициясида пайдо бул-
 ган.

2. э (а) унласияннг ёшиқ бугинида тораёши э товушининг
 пайдо бўлишига сабаб булган⁴.

3. Ургу унли товушларнинг характер ва миқдор хизатидан ўзгар-
 тувчи сабаблардан биридир⁵, ургу тушган бугинидаги унли акустик,

¹ Алишер Навоий. 36-статей / Под. ред. член-корр. АН УзССР
 Боровкова А.К. М.: Л., 1946. С. 106-107.

² Рустамо в А. ХОМАН. С. 7.

³ Агалян Э. Б. Введение в языковедение. Ереван, 1960. С. 150 -
 151.

⁴ Щербак А.М. ГОНТ. С. 32.

⁵ Решетов В.В. УЯ, С. 312-314, 319; Фуломов А. Узбек
 тилида ургу, ... йт. 1948; Маҳмудов А. Узбек тилида
 ургу // Узбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. I-сон. 63-бет.

физиологик хуоусиятани тўла оақлайди, ургули бугиндан олдин асосий позицияда келувчи кенг э (а) унлиси ўз сифатини бироз тўқо-тади, бу фонетик ҳодиса тарихан маълум даврларда секин-аста дивергенция йули билан янги товуш э унлисининг пайдо бўлишига олиб келган¹.

4. Проводик ҳодисалар ҳам унли товушларнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлган, маълум даврларда асосий позицияда э (а) унлисидадан олд қатор э товушининг пайдо бўлишига олиб келган².

5. Тарихан таркибда э (а) унлиси учрайдиган кэд > кэа > кэй каби оўзларда сонор й унлисидадан олд олд қатор, кенг э келса пасаявчи диџтонг ҳосил бўлади. Бу пасаявчи диџтонг остида келувчи э (а) унлисининг сифатига таъсир этади³, натижада, диџтонг ҳодисаси олдқатор кенг э (а) унлисининг позиция вариантларини ҳосил қилган.

6. Ўзбек тилининг ташкил топишида бошқа туркий қабилалар билан бир қаторда қорлуқ қабиласининг иштирокини ҳисобга олиб ўтиш зарур⁴. Тарихан баъзи туркий қабилаларда умлаут ҳодисаси учрайди. Қорлуқ қабилалар тилининг баъзи бир специфик хуоусиятларидан бири умлаут ҳодисасидир. Қорлуқ қабиласи тилида тор унли и ва ы товушларидан олддан ёндош келган бугинда, интervoкал ҳолатда олд-қатор, кенг э(а) ва орқа қатор, кенг а унлилари (урғунинг таъсирда) олдқатор, тўлақониз кенг э ёки э унлиси асосида э, е товушларига ўтади⁵. Бу фонетик ҳодиса қорлуқ қабилалар тилида иш-

1 Д м и т р и е в Н.К. Фонетика карамаличского языка в связи с другими османскими диалектами / Зап. Коллег. востоковедов. Ш. Всп.

1-П, Д., 1928. С. 439-440; П о к р о в с к а я Л.А. ГГЯ. С. 39-40.

2 Б а т м а н о в И.А. ЯШ, С. 18-45; А р а л б а е в Л.А. Вокализм казахского языка. Алма-Ата, 1970. С. 22-26, 60-62.

3 Р е ш е т о в В.В. УЯ. С. 264-265.

4 Б а с к а к о в Н.А. ТЯ. С. 48; Р е ш е т о в В.В. УЯ. С. 50-56.

5 Б а с к а к о в Н.А. Уйгурский вокализм. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. М., 1955, С. 119-120; К а й д а р о в А.Т. Развитие современного уйгурского литературного языка. Алма-Ата, 1969. С. 69, 131, 148, 159; О т а м и р - з а е в а С. Кўрсатилган асар, 19-24-бетлар.

тарокида вужудга келган ҳозирги уйғур тилида, шунингдек, Сибирнинг николий районларида яшовчи туркий қабилалар тилларида учрайди¹. Ҳозирги ўзбек тили шеваларининг таркиб топилида қорлуқ қабилалар тили ва уйғур тили иштирок этган Намаangan гурӯпа диалектида умлаут таъсири учрайди². Оқоридаги далаллар, турколог олимларнинг айрим қарашларига кўра, XI-XIV аср ёзма манбаларида олдиқатор, лабланмаган, кенг э (а) унлиси дивергенция ҳодисасига учраши орқали ҳамда и товушида фонетик ҳодиса өз бериши натижасида туркий сўзларнинг биринчи бўғинада э унлиси пайдо бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида э унлисининг фонетик варианты э (е) товуши туркий сўзларнинг асосий позициясида қўлланади. Ўзлашган эҳсон, эҳсимол, эълон, эътабор, эрон каби сўзларда э унлиси аналогия қонунига асосланган. Энергия, электр, эпос каби рус-интернационал терминларида қўлланган э унлиси тайер ҳолда қабул қилинган. Бир қатор ҳозирги туркий тилларда э унлисининг торайиган варианты э (е) товуши истезмол этгилди³. Шунингдек, ҳозирги уйғур, озаербайжон тилларида биринчи бўғинада э унлиси қўлланади⁴, бу қадимги туркий тилда қўлланган э товушининг фонетик вариантларидир. Бир гурӯпа туркий тилларда сўзларнинг кейинги позицияларида учайдиган э (е) товуши палатал гармония таъсири ҳамда аналогия қонуни асосида пайдо бўлган.

Лабланган ўрта кенг унлилар

О унлиси туркий сўзларнинг биринчи бўғинада учрайди, қаттиқ артикуляцияга тил орқали в, ғ, х ундошлари билан бирга қўл-

¹ Р я д л о в В.В. Образцы народной литературы северно-тюркских племен, Т.УИ.СПб., 1886.С.16-22.

² Б о р о в к о в А.К. К характеристике узбекских "умлаутных" или уйгуризованных говоров. Фрунзе.1946; А л и е в А.Ю. Уйчуанский говор узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент. 1960.С.8-9; А т а м и р з а е в а С. Экспериментально-фонетические исследования намаганского говора узбекского языка. Ташкент. 1974.

³ Р я с я н е н М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., 1955.С.47, 79-80; Щ е р б а к А.М.СФТЯ. С.27-28, 31.

⁴ Щ е р б а к А.М. СФТЯ. С.157.

ланади, қаттиқ талаффуз қалинувчи сўзлар, шаклан индифферент ундошлар билан ёзма-ён учрайди. Кўрсатилган даврларга оид ёзма ёдгорликларда [o] унласи сўз бошида алифвов (او) баъзан алиф (ا), ундошлар орасида вов (و) ҳудуд дамма ва белгисиз дамма билан ифодаланган: اوغۇردا оғурда (Таф, 129б) - пайғда; охшамас (Таф, 67а) - ўхшамас, اووش оғуш (Таф, 31а) - уруғ, қабила; بوئون бойун (Рафр, 6а) - бўйин; سوردى сордв (Рафр, 24б) - суралди; قويدى қойдв (НФ, 140) - қўйдди; اوت от (ХН, 3б) - ўт, олов; بوغуз бугуз (ХН, 9а) - бўғиз; اوشال ошал (МН, 293а) - ўша; соғук (УН, 26) - соғуқ; اوتلون отун (АЗМТ, 240) - ўтин. Қадимги туркий тил ёзма манбаларида [o] унласи эски туркий тил даврига нисбатан артикуляцион жиҳатдан биров фарқ қилади, қадимги туркий тилда [o] унласи тилорқа, лабланган, тилнинг вертикал ҳаракатига кўра кенг талаффузга эга. XI-XII асрларга оид ёзма манбалада [o] унласининг артикуляцион график хусусиятлари XIII-XIV аср ёзма ёдгорликлари тилига ўхшаш, "Девону луғотит турк"да [o] унласининг сўз бошида алиф билан берилиши кенгроқ қўлланган: اوتۇ орту (ДМТ, I, 145) - ўрта каби. Эски ўзбек тили даврида ҳам орқа қатор лабланган ўрта кенг [o] унласи талаффуз, позицион ҳамда график жиҳатдан эски туркий тилга ўхшаш, қаттиқ айгилувчи туркий сўзларнинг биринчи бўғани учун характерлидир: بوق йоқ (Нав. ҲА, 198), بولسون болсун (Нав. МҚ, 113), اوغول оғул (Дутф, 160а), اوشال ошал (БН, 26), اوتуз отгуз (ШН, 165), سورغان сорган (Нав. МТ, 80). Ҳозирги ўзбек тилида орқа қатор лабланган ўрта кенг [o] фонемаси эски туркий тил даврида қўлланган [o] унласининг фонетик вариантидир.

Бир гуруҳ ҳозирги туркий тилларда эски туркий тил даврида қўлланган [o] унласининг синхроник формаи ютеъмол этилади¹. Ҳозирги қирғиз тилида [o] ол симоши ал формасида қўлланади², бу фонетик ҳодиса ([o] // [a]) туркий тилларда тарихан ҳам содир бўлиб турган³.

1 Б а т м а н о в И.А. Современный киргизский язык. Фрунзе. 1963.С., 62-75; Щ е р б а к А.М. СМТЯ.С.66-67.

2 Б а т м а н о в И.А. Кўрсатилган асар. 93-бет.

3 Р я о я н е в М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., 1955.С.55.

е уялиси туркий сўзларнинг биринчи бугини учун характерли-
 дар. е уялиси эмишқ ўзакли сўзларда шаклан индиферент ундолар
 билан ёндол келади, саёз тилорқа к, г ундолари ва олднатор унди-
 лардан тузилган туркий сўзлар таркибда учрайди. XIII-XIV асрларга
 оид кўнчалик ёзма манбалар араб ёзуви билан битилгани учун лаб-
 ланган уяли товушларга куйидаги график белгилар қўлланган; тур-
 кий сўзларнинг бошида е уялиси аляфвов (*ا*) баъзан аляф
 дамма (*آ*) ва икки ундол орасида вов (*و*) ва дамма
 билан ифодаланган, ундолдан сўнг очик бугинда вов (*و*) ор-
 қала ёзилган: *اوزنا* өзгә (Таф.93) - ўзгә; *انگا* ө w кө
 (Таф, 27а) - газаб; *كوك* көк (рабг.25 а) - күк, осмон;
كوركورمек көргүзмөк (Рабг.4 б) - кургизмөк; *اوگوت* өгүт (АБОЛТ,
 2II) - үгит; *اوگوندا* өгүнди (XIII,34а) - үгянди; *كور* көр
 (аф,53) - күр; *تور* (тек XII,II,406) - түк. Ә уялиси Үрхун-
 Бнисей ҳамда қадимги уйғур ёзма ёдгорликларида махсус (*ن* *د*)
 белгалар билан ифодаланган^I: өтүкөн (КТМ,4) - геог.ном; керигмә
 (КТМ, II) - қарам; өңрә (Тон,6) - шарққа; көңлүнчә (Тон, 32) -
 истаганинчә; өрүң (Ирқб,6) - оқ; көк (Ирқб, 38) - күк; өтүн
 (ману. 40) - үгянгән; өгмәк (Христ, 19) - мақтамоқ; төрт (Сувр.
 6.1) - түрт. XI-XII асрларга оид ёзма манбалар тилида ҳам е уя-
 лиси қўлланиб, график жиҳатдан XIII-XIV аср ёзма обидалари тилига
 ўхшаш, аммо "девону луғотят турк" асаридә сўз бошида е уяли-
 сининг аляф билан ифодаланиши, бошқа ёзма обиделарга қараганда
 күпроқ учрайди, ундоллар орасида эса вов, дамма билан берилган:
اجر өчүр (ДЛТ, I,186) - үчәр; *تشا* төшә (ДЛТ,III,282) - ту-
 шамөк; *اود* өд (ДЛТ, I,79) - замон; *اونوش* өкүш (ЛБМ,44а)-
 күп; *سوزلا* сөзлә (ЛБН, 44а) - сүзлә, *تورت* төрт (XX,16)-
 түрт; *اوگرات* өгрәт (Земах, 121 а) - үргәт.

е уялисининг график хусусиятлари ҳақида П.М.Меллоранский
 фикр билдирган². Эски туркий тил ёзма манбаларида баъзан ўзлаш-
 ган сўзлар таркибда жарангсиз *к* ҳамда жарангли *г* ундоллари
 билан келган *ө* ёки *у* уялилари туркий тилга хос олд натор лаб-
 ланган ўрта кенг е товушига яқин талаффуз қилинган: *كوهر*

¹ Малов С.Е. ИЦП.С.17.

² Меллоранский П.М. АФЯ. С.22-25.

гөхәр (Таф. I52a) - гавҳар, گور гөр (XIII, 52б ; HФ, I9a; CC, 40a) - гур.

Олднатор, лабланган, урта кенг е унлиси эски ўзбек тили даврида қўлланган туркий сўзларнинг биринчи бугини учун характерли ҳисобланган: *اوزونك* өзүң (Нав.ХА,7); *تورتونچى* төртүнчи (ш.тар.33); *اولماك* өлмәк (Нав. МҚ. I50); *سوز* сөз (Лқян, 514б); *اوزما* өзгә (Ахмад, 522a); *اولكادىن* өлгәдин (БН, I6). Эски ўзбек тили даврида қўлланган е унлисининг артикуляцион ва позициян ҳолати эски туркий тил ёзма манбалари билан боғлиқ эканлиги кўринади. Ҳозирги ўзбек тилининг сингармонизмли шеваларида е унлиси тарихан қўлланган е товушига нисбатан синхрония сифатида истеъмоладан этилади: бөл // бол, өткәз // отқаз, өт // от, төлә // тола каби сўзларда фонемалик хусусиятни сақлаган¹.

Лабланган гөр унлилар

Бундан ташқари, туркий оўзлар ўзагида кенг ва тор унлилар қўлланган бўлса, ўзакдан сўнг қўшилган аффикслар таркибиди ҳам тор ва кенг унлилар келган ва ўзақда олд қатор, кенг ва тор унлилар бўлса, аффиксларда ҳам олд қатор, кенг ва тор унлилар қўллан-

ган. Узьқда эрқ қатор кенг, тор унлалар бўлса, грамматик кўрсаткичлар доираида ҳам эрқ қатор кенг, тор унлалар келиши зарурий ҳодисалар.

Урхун гурппа ёзма манбаларида сингармонизм ҳодисаси консонантизм системаи билан боғли, руниқ ёзувида ундошлар палатал-веларь гармония асосида махуос функционал формалар билан ифода-ланган, ундошларнинг қаттиқ ҳамда юмшоқ вариантлари учун олинган алоҳида белгилар махуос фонемаларни ифодалаб, фонологик хуусоият-ларга эга. Индиферент ёзув шакли билан ифодаланган ундошлар ҳам оуларнинг қаттиқ, юмшоқ талаффуз қилинишига кўра фарқланган. Унла товушларни ифодаловчи ёзув формалари функционал хуусоиятлар касб этган, шунга кўра \int белгиси а, э; λ харфи о, у; M харфи ө, ү; f формаси в, и унла товушларни ифодалаган, бу белгиларнинг палатал веларь гармониясига муносабати туркий оуларнинг қаттиқ, юмшоқ талаффузига мувофиқ аниқлашган. Қадимга уйғур, араб ёзувида ҳам индиферент шаклга эга ундошлар ҳам туркий оуларнинг қаттиқ, юмшоқ айрилишига кўра танглай гармониясига муносабати мавжуд.

Танглай гармонияси туркий тилларда диахроник ва синхроник хуусоиятга эга. Туркий тилларда У-ХІУ асрларга оид¹, зоки ўзбек тилига хос ёзма ёдгорлақларда ҳам танглай гармонияси характер-лидир². Танглай гармонияси ҳозирги туркий тилларда ҳам мавжуд тил ҳодисаси ҳисобланади³. Сингармонизм ҳодисаси ҳозирги ўзбек тили-нинг бар гуруҳ шеваларида сақланган⁴.

ЛАБ ГАРМОНИЯСИ

Унла товушлардаги лаб гармонияси тарихан туркий тилларга хос фонетик ҳодиса бўлиб, танглай гармониясидан оўнг кенг қўлла-

- 1 Б а т м а н о в И. А. Древние тюркские диалекты и их отражение в современных нарвах. Фрунзе, 1971. С. 20-26; Щ е р б а к А. М. ГОНТ. С. 37-41.
- 2 Щ е р б а к А. М. ГСУН. С. 73-78; Р у с т а м о в А. СМОАН. С. 12-14; К о в о н о в А. Н. РТ. С. 122-123.
- 3 Щ е р б а к А. М. СЯТЯ. С. 122; Б а с к а к о в Н. А. Диалект кумандявцев М., С. 18-22; Б а т м а н о в И. А. Современный киргизский язык. Фрунзе, 1963. С. 62-77.
- 4 И б р о х и м о в С. УАН, 100, 105-бетлар; Т у р г у н о в А. Фонетическая структура балхчинской группы говоров узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1969. С. 15-16.

нуччи тил ҳоджаси ҳисобланади.

Туркий тилларнинг қабилла гуруҳналарига кўра, лаб гармонияси туркий сўзларда турлича ҳолатга эга бўлган¹. XIII-XIV аср ёзма манбалари тилида лаб гармонияси анча кенг тарқалган. Бу ёзма ёдгорликлардаги лаб гармониясини ўрганиш туркий тилларнинг тараққиётига очиш учун кўмак беради. Бу даврларга хос ёзма обидалар тилида туркий сўзлар ўзагида келувчи лабланган, орқа қатор о; олд қатор, лабланган е ҳамда тор у, у унлилари лаб гармонияси учун асос ҳисобланади.

Ўзақдаги ўрта кенг о товушдан сўнг тор, лабланган, орқа қатор у унлилари лаб гармонияси асосида ясалган туркий сўзларнинг турлича бунгига қадар қўлланган, яъни, ўзгарувчи аффикслар остида орқа қатор, тор, лабланган унлилар учрайди: *قوي توكوز* қўқтуғузму (Таф.793) - қўқтингазми; *بولغولук* болғулук (Таф.3а) - болғулук, *اولتورور* олтуур (Таф.27а) - ўтиур, *بوغسل* йоқсул (Таф.33а) - йуқсул, *بولور* болур (НФ,86) - булур, *اولتورغو* олтуругу (НФ,2) - ўтирадаган, *بولسون* болосун (МН,2946) - булсан, *توروتور* турутотур (МН,3096) - турабди, *اوردورور* ўрдуур (Рафг.29а) - урдисар, *سوندورونك* сондурун (Рафг.28а) - сундаринг, *اولوغلوق* улуглук (XIII,106) - улуглик, қуғулғулуграк (УН,6,8) - ёрак оқ. Каттиқ ўзақдаги ўрта кенг о ёки тор лабланган у унлиларидан сўнг лаб гармониясига тўла дон қилмаслик бир гуруҳ сўзларда учраб туради: *قويلار* қўйлар (Таф.396) - қўйлар, *اونورد* онурда (Таф.1296) - пайтда, *قوناك* қонақ (XII,256) - меҳмон, *قونارдилار* қонардилар (Рафг.316) - кўтардилар; *قوزميش* қўзмис (НФ,142) - қўзган, *اوشال* ошал (МН,293а) - уша. Шунингдек, кўлик, бир қатор эғалик, келиш, префектив боғламалар, бўйрук, замон ёдодаловчи аффикслар, сифатдош формалари каттиқ ўзақ асосида ташкил топган сўзларда лаб гармониясига бўйсунмайди: *بولغил* болғил (НФ,4,10) - болғил; *تورурлар* турурлар (XIII,73а) - турадилар; *اونورماз* онурмаз (XIII,746) - ўтирмаз, *قوناردилар* қонардилар (Рафг.316) - кўтардилар, *قوزميش* қўзмис (НФ,142) - қўзган;

1 Ш е р б а к А.М. ГОНТ.С.37-39; Р у с т а м о в А. ИОАН, С.13-14.

اوتقا отқа (Рафг.6а) - оловға; توروماغاي سى تورумагай-сён
(Таф. Iа) - гу, олмайсан.

XIII-XIV аор ёзма манбаларида биринчи бугинда е унлиои булган туркий оузларда лабланган олд қатор, тор у товуши тургинчи бугинга қадар қулланган: *كوكولوك* *көкүргүлүк* (Рафг.36а) - мақтагулик,

كوكول *көкүл* (Рафг.38б) - касал, *كوتوروب* *көтүрүб* (Рафг.5б) - кутариб,

اوكوش *өкүш* (НФ,37) - куп, *كوردونكوزمو* *көрдүңүз-мү* (НФ,100) - күрдигизма, *اوروجوك* *орүмчүк* (XIII,17а) - ургумчак,

يوروسوك *йүрүшүк* (XIII,18а) - яришинг; *كوركوزور* *көргүзүр* (Таф. I0а) - күргүзүр; *اوتوك* *өтүк* (Таф. I0а) - кечарям; *كوكول* *көкүл* (МН,304б,2) - кунгил; *كوردونكودون* *көзүңдүн* (МН,298а) - күзингдан.

Олд қатор лаб унлилари аосоода тузилган оузлар оостаида лаб гармониясининг бузиллиси ҳоллари келишик, күплик, эгалик, оуз яоовчи, форма ўзгарттирувчи ва бошқа аффиколар доярасида учрайди:

كوكوكينا *күвүкүкине* (Таф.30а) - күйнига; *كوزى نوك* *сөзүнүң* (Таф. 9Iа) - сүзлянинг; *توكانوك سيزين* *туғанүкөизин* (Таф.99а) - миннат-оиз;

اوجينج *үчинч* (НФ,360) - учинчи; *اروحان دین* *үчөкдин* (XIII, 7а) - томдан; *اوزوم دین* *өзүмдин* (МН,299а,8) - ўзимдин, сөзләриндин (Таф.9а) - оузларидан; *كوركان* *көргән* (Рафг.25а) - күрган; *كورسا* *көрсә* (МН,307а) - күрә.

СИНГАРМОНИЗМ ЗАНЖИРИ.

Сингармониязм занжири XIII-XIV аор ёзма манбаларида туркий оузларнинг ўзаги ҳамда унинг характери билан боғлиқдир, ўзак аосоида таркиб топган оуз структураси сингармониязм қонунига буйсувган, туркий оузлар таркиби ўзак, негиз ва аффиколар орқали ташкил топган. Сингармониязм қонунининг ўзак доираидан аффиколаргача таъсир этиши сингармониязм занжирини ҳосил қилган.

Күрсатилган ёзма манбаларда ҳам умумтуркий таллар қонунига күра сингармониязм занжири мавжуд.

XIII-XIV аорға оид ёзма манбаларда танглай гармонияси ҳамда лаб гармонияси аосоида ташкил топган сингармониязм занжири қулланган: *كوكولوق* *қазғулүк* (Таф.102б) - қайғули; *قوغلار* *қамуғлар* (Рафг.40а) - барчалар; *اوتورماز* *отурмаз* (XIII,74б) - ўтирмас; *بولغول* *болғул* (НФ,4) - булгин; *بیرکا* *бизгә* (МН,308б) - бизга; *سيزکا* *сизгә* (XIII,25б) - сизга; *ایشلايور* *ишләйүр*

(Рафр. IOIa) пшлар; *بولغولوق* болгулук (Таф.3a) - булгулик;
اولتورغو олтургу (НЭ.2) - утирадаган; *اوگورگولوك* өкүргүлүк
 (Рафр. 93a) - мактагулик; *اورومچوك* өрүмчүк (ХШ. 17a) - үргм-
 чак; *كورونگدون* көзүңдүн (МН.298a) - күзүңгдн.

Унли товушларда гармония шодияс

Палапал-вельрь гармониясига кўра, туркий оўзларнинг ўзагиде кўлланган унли товушлар кейинги позицияларда ўхшаш булган ёки фаркланган. Туркий оўзлар таркибдаги унли товушлар орқа қатор ҳамда олд қатор белгаларига кўра ҳам ажралиб турган. Бундан ташқари, унли товушлар оўзларнинг барча позицияларида лабланганлик ҳамда лабланмаганлик жаҳатдан ҳам айриликларга эга.

Тилнинг горизонталь ҳамда вертикал ҳаракатига кўра кенг, тор, тўлиқсиз = кенг, лабланган, лабланмаган, орқа қатор унлилар туркий оўзларнинг барча позицияларида алмашиб кўлланган. Шунингдек, кенг, тўлиқсиз = кенг, тор, лабланган, лабланмаган, олд қатор унли товушлар туркий оўзларнинг ҳамма позицияларида аралаш ҳолда истеъ- мол этилган.

Гармония ва фонетик ҳодисалар

Тарихан туркий тилларда товушлар уйғунлиги қонуна билан ургу мос ҳолда кўлланган, қадимги туркий тилдан кейинги даврларда ургу оўнги позицияларга кўчгандан оўнг унли товушларда фонетик ҳодиса содир оўлган. Бош ургунинг кўчиша палапал-вельрь гармонияга таъсир қилмаган, ўзақдаги унли ва ундош товушларнинг қаттиқ ва юмшоқ хусусиятлари кейинги позицияларда сақланган. Ундош товушлардаги фонетик ҳодисалар ҳам гармония ва ургу таъсири сақланган ҳолда опонтан ҳамда тарихий-диалектал тил ҳодисалари орқали өз берган.

XI-XII аор обидаларида ҳам лаб оҳангдошлиги ва унлиг бузалиш ҳоллари учрайди¹. Эски ўзбек тили ёзма манбаларида ҳам лаб унлилари уйғунлигининг таъсири сақланган, шунингдек, лаб оҳангдошлигининг бузилиши ҳам мавжуд². Баъзи ҳозирги туркий тилларда лаб гармониясининг таъсири айрим туркий оўзларнинг оўнги бугани-

1 Ш е р б а к А.М. ГЮЛТ. С.37-40.

2 Ш е р б а к А.М. ГСУЯ. С.73-77.

га қадар давом этган¹, баъзи туркий тилларда эса лаб оҳангдошли-
га таъсири қисман учрайди². Ҳозарга ўзбек тили ва унинг шевалари-
да қисман қўлланада³.

Танглай гармониясининг бузилиш ҳоллари

Туркий халқлар форс-тожик ва араб халқлари билан тарихан ик-
тимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий муносабатда бўлганлар. Араб,
форс-тожик ва туркий халқларнинг ўзаро муносабатлари тилда акс
этган. XII-XIV аср ёзма манбалари битилган даврлар туркий, араб,
форс-тожик тиллари ўртасидаги муносабат кенгайган даврлардан бири
эди, туркий халқлар орасидан етишиб чиққан олимлар араб, форс-то-
жик ва бошқа халқ тилларини билганлар. Шунингдек, айрим туркий
халқ гуруҳлари тожиклар билан қўшни бўлиб яшаганлар. Шунга кўра,
туркий тилда ёзилган едномаларда араб, форс-тожик тилларининг таъ-
сири акс этган. Мадааний, иқтимоий, сиёсий муносабатлар яқки ва уч
тиллик юз беришига олиб келган, яқки-уч тиллик туркий тиллар-
га маълум даражада таъсир этган. Натижада, баъзи туркий сузларнинг
ҳар хил талаффуз этилиши юз берган. Бундан ташқари, туркий тилни
ўзлаштарган бошқа халқ вакиллари ҳам мадааний ҳаётда қатнашган. Шун-
га кўра, баъзи ёзма обидалар тилида айрим туркий сузларга грамма-
тик кўрсаткичлар қўшилган ўринларда баъзан танглай гармониясининг
бузилиш ҳоллари учраб туради: *يلا نغ بک* йалағачлик (Таф. 186, 14)-
пайғамбарлик, *نچا شىقا* нэчәшига (Таф. 143а, 7) - нечасига, қан-
часига; *تنگرىغا* тәнгрига (Рафр. 24а, 23) - тангрига. Бундан таш-
қари, ўқлатиш оқламаси - тәк, педикатив боғламалар: -мән, -сән,
-ол, -биз, -сиз қаттиқ айтилувчи сузларда сингармонизм қонунига бўй-
сунмайди: *يلا نغ بک* йалағач-тәк (Таф. 376) - пайғамбардек,
اوغۇل اوغۇل تەك (Таф. 17а) - ўғилдек, *اول اول تەك* олар-тәг (Рафр.
91б) - улардек, *ايىك بک* авиқ-тәг (МН, 294б) - унингдек; *ايىك*
ايىк авиқ-тәг (ХШ, 26) - унингдек.

1 О р у з б а е в а В.О. Словообразование в киргизском языке.

Фрунзе, 1964. С. 60; Д и й к а н о в К. Киргиз тилиндеги үндүүлөр.
Фрунзе, С. 38-41.

2 К о н о н о в А.Н. ГСЛЯ. С. 35-37; Современный татарский литера-
турный язык. М., 1969. С. 97. Ч е р к а о о к и й М.А. Тюркский вока-
лизм и сингармонизм. М., 1965. С. 10-21.

3 ҲҲАТ, I, 31-32-бетлар; И б р о х и м о в С. ҶАШ, 106-109-бетлар.

Феълларнинг замон ифодаловчи *verbum finitum* формаларига қўшилувчи айрим шахс қўшамчаларининг қатъа билан битилган (سن) формалари товушлар уйғувлагига нисбатан эчкиланишга мойил, *سين* миз, *بين* биз каби предикатив боғламаларга гармония таъсир этиши мумкин: *ينماسمان // ینماس-мэн* (Таф. 10а) – қайтмасман, *قېلسامېن // қўлсам-миз* (Таф. 27а) – қилок, *تورۇماغایمن // турумагайсан // турумагай-сэн* (Таф. 11а) – туролмайсан.

ИККИ ВАРИАНТЛИ СЎЗЛАР

Туркий сўзлар таркибидаги увлилар турли даврларда баъзи комбинатор ўзгаришларга учраган. Бундай комбинатор ўзгаришлар, ўз навбатида, тарихан икки вариантли, яъни қаттиқ ва юмшоқ талаффуз этилувчи сўзларнинг вужудга келишига сабаб булган. Икки хил талаффуз этилувчи туркий сўзлар турли лексик-семантик заруратлар асосида вужудга келган, сўзларда зарурат юзасидан маъно кенгайиши ва кўп маъноли сўзларга айланиши талаффуз формасига ҳам таъсир этиб, қаттиқ ва юмшоқ вариантли сўзларни ҳосил қилган. Бу давр ёзма манбалари тилида генетик, семантик хуусиятига кўра *اونك* он, (Таф. 30б) – унғ, турғи; *اونك* өң (Таф. 41а) – олд, олдин; *قوفان* қуw ан (XIII, 15а) // *كوفان* куw ән (НФ, 19а) – қуван, оевин; *توز* түз (Таф. 138а) – дала; *توز* туз (XIII, 89а) – туз; *بوز* боз (XIII, 101а) – қўрик ер; *بوز* бөз (НФ. 66б) – буз (тўқима) каби омографлар юзага келган. Шунингдек, икки вариантлик сўзлар маънодош бўлиб, қабилавий хуусият касб этиши натижасида ҳам вужудга келган. Икки хил талаффузга эга булган маънодош сўзлар айрим уринларда учрайди.

Умуман айтганда, икки вариантли туркий сўзлар характерли эмас, жуда кам уринда қўлланган: *اشقا* ишқа (Таф. 6а) // *اشقا* ишгә (Таф. 28б) – ишга, *يورۇغ* йоруг (Таф. 11б) // *يورۇغ* йөрүг (Таф. 7а) – йүл-йүрик, *سۈچۈغ* сучуг (Таф. 65а) // *سۈچۈك* сүчүк (Рафр. 4а) – чүчик, *ايسىغ* иосығ (Таф. 38б) // *ايسىك* иосык (Таф. 38б) – иосык. Бу фонетик ҳодиса XI–XII аор ёзма ёдгорликларида ҳам истезмол этилган: *اولچاق* олчак (ДЛТ, I, 183) – хўпламок, *چىلماق* чилмак (ДЛТ, I, 201) – ичылмок, *چىلماق* чыламак (ДЛТ, III, 134) – намланомак, *چىلماق* чылмак (ДЛТ, II, 287) – намламок, *كۆپ* көп (ДЛТ, I, 465) // *كۆپ* көп (КБН, 193б) – көп.

Хозирги ўзбек тили шеваларида ҳам өткээ // утказ, үзди // узди, үзүм // узум кабы сўзлар параллель қўлланмоқда.

СИМГАРМОНИЗМНИНГ ҲАММАЛАРТА МУНОСАБАТИ

Араб, форс-тожик тилларидан туркий тилларга ўзлашган сўзлар дастлаб кам миқдорда бўлиб, давр ўтиши билан кўпая бошлаган. Ҳазирги кунда сўзлар дастлаб туркий тиллар фонетикасига мослашаши қийин бўлган ва таъғлай гармониясига нисбатан талаффузда иккиланишлар юз берган. Шунга кўра, араб, форс-тожик сўзлари баъзан каттиқ, баъзан юмшоқ талаффуз этилган. Ҳазирги кунда сўзларга кўпинча ясовчи, ўзгартувчи аффиксларнинг каттиқ варианты қўшилган¹. Шунингдек, баъзан Ҳазирги кунда сўзлар ясовчи ва ўзгартувчи аффиксларнинг юмшоқ вариантларини ҳам қабул қилган. Айрим ўринларда Ҳазирги кунда сўзнинг ўзига ясовчи ва ўзгартувчи аффиксларнинг ҳар икки варианты қўшилган. Ҳазирги кунда араб, форс-тожик сўзлари таркибида оёёз тил орқа к, г ёки чуқур тил орқа к, г, х ундолари бўлиб ҳам ясовчи ва ўзгартувчи аффиксларнинг каттиқ-юмшоқ вариантлари аралаш ҳолда қўлланган:

орзуларга (Рафг.1016) - даврларга, **معتلج** оуратилг (Рафг.26) - суратли, **عجبنا** ажабга (Рафг.36) - ажабга, **عذركا** узрға (Рафг.36) - узрға, **عالم عالم** қалъмрак (Таф.496) - олимрок, **خودك** хорлуқ (Таф.496) - хуруқ, **عالم** умматларга (Таф.626) - умматларга, **اولئ** аввалқв (Таф.100а) - аввалғи, **دنيا** дунйа-ға (Таф.17а) - дунёға, **شهركا** шаҳар-ға (Таф.496) - шаҳарга, **كريم** қаримрак (Таф.476) - улугроқ, **بت** бутға (ХШ,8а) - бутға, **حاليها** ҳолиға (ХШ,25а) - ҳолиға, **خاترنا** хатарга (СС,163а) - хатарга, **فقريلق** факврилқ (СС,154^а) - факврилқ, **مدينه** мадинаға (ҚФ,6) - мадинаға. "Қутадғу билиғ", "Ҳисбатул ҳақойиқ" ёзма манбаларида ҳам Ҳазирги кунда сўзларга каттиқ ҳамда юмшоқ аффикслар қўшилган: **دولت** динга (ҚБН,9а) - динга, **دولت** давлатқа (ҚБН,10б) - давлатга, **شاه** шаҳмиға (ХХ,21) - шо-

¹ Маҳмудов Қ. XI-XIV аср ёзма ёдгорликларида араб, форс сўзларининг талаффузи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968.2-сон. 35-37-бетлар.

химга, *مهالیق* баҳалвқ (XX, 43) - баҳолз, *کرم* кә-
 рямрәк (XX, 34) - улугроқ. Эски ўзбек тили ёзма обидаларида ҳам
 ўзлашган сўзларга аффиколарнинг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари қў-
 шилаверган: *پىرى پىرىغا* парв-пайкәр-ға (Нав.ФШ, III) -
پادشاه پادشاه падишаға (Нав.ФШ, 27), *کمره کمره* қәмәри-ға (Нав.МҚ, I16),
بندہ بندہ бандаға (Дутф.209а), *پادشاه ليق* падишаҳлвқ (БН, 29),
غریب غریب ғарибқа (БН, 62), *شاه ليق* шаҳлвқ (БН, 30),
بندہ بندہ бандаға (ШШ, 39).

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларидаги ўзлашган сўз-
 ларда ҳам икки хил талаффуз қилиш давом этмоқда¹: ойнак // айнак,
 ҳуқи // ҳөқим, ҳуқумат // ҳөқмәт, Октябрь // октәбир, кәса // кәсә кабл.

Умонли турк тилида ҳам ўзлашган сўзларда палатализация ку-
 чайган²: дерс // дерс, шаҳар // шеҳар, дефтар // дефтер кабл.

УРГУ МАСАЛАСИГА ҚОИР

Туркий тилларда тарихан ургу қандай ҳолатга эга эканлига
 ечилмаган чигал масалалардан бири ҳисобланади, тарихий ёзма ман-
 баларда ургу ҳақида барор маълумот ҳам мавжуд эмас. Туркий тил-
 ларда сингармонизм қонуни сўзларнинг талаффузида бошқарувчи ва-
 зифани бажаради, ургу билан сингармонизм қонуни ўртаондаги муно-
 сабат ҳануз очилмаган, туркий сўзларда сингармонизм қонуни тари-
 хан ургу билан мослашиб қолган. Туркий сўзларда бosh ургу қайси
 бўғинга тушиши масаласида ҳам турлича қарашлар учрайди, иккинчи
 даражали ургу туркий сўзларнинг қайси позициясида учраши ҳақида
 ҳам турлича фикрлар мавжуд. Шунингдек, туркий тилларда тарахан
 ургунинг қайси турлари истезмол этилиши масалалари ҳам тўла аниқ-
 ланмаган. Туркий сўзларнинг анлаут, днлаут (синокопа ҳодисасида)
 ҳамда ауолаут позициясида (апокопа ҳодисасида), унли товушлар-
 нинг комбинатор ўзгаришларга учрашида ургунинг қанчалик таъсир
 этганлиги ҳам тўла маълум эмас. Шу билан бирга, ундош товушларда
 юз берган фонетик ҳодисаларнинг ҳам ургу билан боғлиқ томонлари
 етарли даражада ечилмаган. Шунга кўра, турколог олимлар томонидан
 туркий сўзларнинг қайси позициясига қандай ургу тушганлиги ҳақи-
 да турлича фикрлар айтилган. В.В.Радлов "Шимолий турк тиллари

1 Иброҳимов С. УШ. 34, 42, 62-бетлар.

2 Кононов А.Н. ГСЛЯ.С.42-43, 49.

фонетикаса" номли асариди кўп бўғинли оёзларда кўтарилувчи бош ургу биринчи бўғинга тушади, иккинчи даражали пасаявчи ургу эса оёзларнинг охирига бўғинига тушади, орадаги ургуииз бўғинларда ҳам унлилар гармонияга риоя қилнади, деб таъкидлайди, туркий тилларда ургу маъно яродаламай, балки бўғинларда товушларнинг охангдорлигини ошириш учун хизмат қилади, деб уқтиради¹. Б.Я.Владимарцев қадимги туркий тилга хоо вази тузилишига ҳамда оингармониям қонунига асосланиб, энг қадимги туркий тилда бош ургу биринчи бўғинга тушган, кейинчалик туркий оёзларнинг оўнгги бўғинига кўчган деб хулоса қилади².

И.А.Бодуэн де Куртене туркий тилларнинг типологик хусусиятига кўра, "Туран тилларида унла товушлар гармонияси бўғин ва оёзларни мустақкам боғлаш учун хизмат қилади. Ҳинд-европа тилларида эса ургу бўғин ва оёзларни боғлашда муҳим роль ўйнайди, деб уқтиради³. Ф.Э.Корш туркий оёзларда биринчи бўғиндан кейинги позицияларда редукция ҳодисасининг юз беришига кўра, бош ургу биринчи бўғинга тушганлигини таъкидлайди⁴.

И.Рясянен туркий тилларда асосий ҳамда иккинчи даражали ургу оёзларнинг турли позицияларида қўлланган, деган фикрларга қўшалада, шунангдек, асосий ургу биринчи бўғинга тушиши натижаида прогрессив ассимиляция ёки унли товушлар гармонияси содир бўлган, деб кўрсатади⁵.

Э.В.Севортян бош ургу туркий оёзларнинг асосан оўнгги бўғинига тушиши ҳақида гапиради, умуман айтганда, оёз туркумларининг турига, оёз ясовчи ҳамда оёз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг хараактерига кўра, психологик жараён орқали, бош ургу, ва иккинчи даражали ургу тушиши ўзгарган деб таъкидлайди⁶.

1 Radloff, W. *Phonetik der nördlichen Türk Sprachen*, Leipzig, 1882.

2 В л а д и м и р ц е в Б.Я. Сравнительная грамматика монгольского письменного языка и халхасского наречия. Введение и фонетика. Л., 1929. С. 112.

3 Б о д у э н д е К у р т е н е И.А. Реzia и реziaне // Славянский сборник. СПб., С. 322.

4 К о р ш Ф.Э. Древнейший народный стих турецких племен // ЗВО РАО, XIX, 1909. С. 70-71.

5 Р я с я н е н М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. С. 33-46.

6 С е в о р т я н Э.В. Фонетика турецкого литературного языка. С. 127-147.

А.М.Щербак ҳам туркий тилларда бош ургу кўп бўғинли сўзларнинг охирига бўғинига тушади, сўз ўзгартирувчи формаларда эса турлича характерга эга деб уқтиради, шунингдек, бош ургу тарихан ҳам кўп бўғинли сўзларнинг охирига тушган, ургу тушган позицияни кўрсатувчи далиллар мавжуд эмас, деб таъкидлайди. У туркий тилларда бош ургу ҳамда иккинчи даражали ургу ҳақида сўзлаган муаллифлар фикрига қўшилган¹.

Н.А.Баскаков қарақалпоқ тилида бош ургу ўзакдан иборат сўзларга ҳамда кўп бўғинли сўзларнинг сўнгги морфемага тушади деб кўрсатган, айниқса, икки бўғинли сўзларда қисқа унлиларнинг редукцияга учраши бош ургунинг сўнгги бўғинга тушишидаая далолат беради, деб айтган².

А.Ғуломов ўзбек адабий тилида ургу масаласига оид асариде бош ургу асосан кўп бўғинли сўзларнинг сўнгги бўғинига тушишини таъкидлаган, шу билан бирга, сўз туркумларининг турига, психологик жараёнларга кўра, бош ургу кўп бўғинли сўзларнинг олдинги бўғинларига кўчиши ҳам, айрим сўзларда фонологик хусусият касб этиши ҳам айтилган³.

У.Ш.Байчура татар тилининг мишар-татар шеvasида бош ургу икки бўғинли туркий сўзларнинг биринчи бўғиниде сақланиб қолганлига ҳамда иккинчи бўғинда асосий товуш (тон) кўтарилиши ва пасайиши ҳақида уқтириб ўтади⁴.

Ҳозирги ўзбек тилида ургу ва унлиг характери ҳақида А.Маҳмудов илмий иш олиб борган, бу илмий ишда бир бўғинли, икки бўғинли ҳамда кўп бўғинли сўзларнинг очиқ, ёпиқ бўғинлариде бош ургу, иккинчи даражали ургунинг тушиши ҳақида сўз боради. Очиқ, ёпиқ бўғиндан иборат ўзакларга бош ургу тушади деб кўрсатилган, бош ургу кўп бўғинли сўзларда кейинги позицияга тушади дейилган, сўз туркумларининг характерига, очиқ ёки ёпиқ бўғин хусусиятига, психологик ҳолатда бўлишига кўра, бош ургу олдинги бўғинларга кўчади деб кўрсатилган, энклитик хусусият касб этган бўғинларга бош ургу

1 Щ е р б а к А.М. Сравнительная фонетика тюркоких языков.С. 110-120.

2 Б а с к а к о в Н.А. Каракалпакский язык.Д.С.108-109.

3 Ғ у л о м о в А. Ўзбек тилида ургу. Тошкент, 1947.

4 Б а й ч у р а У.Ш. Звуковой строй татарского языка. Ч.2, Казань, 1961, С.192.

тушмайди дейилган. Тадқиқотнинг энг муҳим томонлари шуки, ургу тушган бўғидаги кенг унли ва ундosh товушларда даврий (длительность) хусусияти кучли, тор унлиларда қисқароқ бўлганлиги таъкидланган. Шу билан бирга, ургу тушган бўғидаги товуш (тон) кучи (интенсивность) ҳамда ургу тушмаган бўғидаги тезликда фарк борлиги ҳамда ургу тушган бўғида тезлик кучли бўлиши кўрсатилган. Бундан ташқари, ургу тушган бўғида товуш (тон) баландлиги ва пасайиши устун бўлиши ҳам таъкидланган¹.

Тугдўқкон Толпиов ўзининг "Историческое развитие фонетической системы уйгурского языка" номли авторефератига ургу бобида фикр айтган турколог олимларнинг қарашлари келтирилган. Шунингдек, ҳозирги уйғур тилига хоқ умлаут ҳодисасининг пайдо бўлишига бош ургунинг таъсири сабаб бўлган деб уқтиради ҳамда кенг а, э унлилари тор и фонемасидан олдин урта кенг е товушга ўтиши таъкидланган. Ургу таъсирида тор унлилардан олдинги кенг унлилар сифат хйҳатидан бароз бўлса ҳам ўзгаришга учраган, ургу таъсирида өз берган редукция ҳодисалари ўзбек, хакас, қозок, қирғиз ва бошқа туркий тилларда ҳам учраши кўрсатиб ўтилган².

Туркий тилларда сингармонизм қонуни тарихан ва ҳозирги даврда мавжуд фонетик ҳодиса ҳисобланади, сингармонизм қонуни туркий оўзларнинг ўзага асоода вуждга келган, шунга кўра, тарихан бош ургу ҳам оўзларнинг ўзагига тушяи табийи ҳол эди, икки бўғинли оўзларда ҳам бош ургу биринчи бўғида сақланган, шунингдек, кўп бўғинли оўзларда ҳам бош ургу биринчи бўғинга тушган. Оўз ўзагига қўшилган грамматик кўрсаткичларда ҳам сингармонизм қонуни сақланган биринчи бўғидадан кейинги позицияларда эса, иккинчи даражали ургулар ҳосил бўлган, иккинчи даражали ургулар сингармонизм қонуни бузишга қодир бўлмаган. Иккинчи даражали ургулар тушган унли-ундох фонемаларда товуш (тон) давомийлиги, куч (интенсивлик) товуш кўтаралиш баландлиги, пасайиши бош ургу тушган бўғин хусусия-

1 М а х м о в А. Словесное ударение в узбекском языке. Ташкент, 1960.

2 Т а л п о в Т. Историческое развитие фонетической системы уйгурского языка, Автореф. дис... докт. филол. наук. Алма-Ата, 1982, С. 89-108.

омотемаоюда ҳам ургуниинг роля маълум даражада ўзгарган, оўзларнинг лексик-семантик хусусиятини таъкидлаш зарурати ошаб борган, туркий тилларда оаж (вазн, ритм) формаоининг талабига кўра оўз охиридаги бўғинни пютонация билан ифода қилиш кучайган, бош ургу кучоизланиб иккинчи даражали ургуларнинг кучайишига олиб келган. Шунингдек, биринчи бўғиндаги увлларда товуш (тон) давомийлиги, интенсивлиги (тон кучи) товуш (тон) балаадлигининг ўзгариши орқали ҳам бош ургу сустлашаб иккинчи даражали ургуларнинг кучайишига олиб келган.

Аналятик усул билан яоалган оўзларнинг бир бўғиндан иборат иккинчи компонентда ҳам бош ургу бўлган, иккинчи компонент асо-сида яоалган янги оўзнинг кейинги бўғинига айланиб, бош ургу сифа-тида сақланиб қолган, иккинчи компонент ооставидаги ургу туркий оўзларнинг охарига кўчган.

Туркий оўзларга тушган ургу турларининг характериға кўра, унли товушларда дивергенция юз берган. Оқорида кўрсатилган тил ҳодисаларига кўра, туркий оўзларда иккинчи даражали ургулар бош ургу даражасига келаб қолган, биринчи бўғиндаги қадимги бош ургу иккинчи даражали ҳолатга кўчган.

Тарихан мав, оав, ул (ол), биз // миз, сиз олошлари мустақил оўз сифа-тида қўлланганда махсуо бош уруга эга бўлган, яамонлар ўтиши билан грамматик заруратга кўра, от группасига оид оўзларда биз, миз формаси эгалик қўшимчасига айланган, феъл формаларида оав шахо қўшимчалари сифа-тида қўлланган, лекан бу оўзлар тарихан қаттиқ узакли оўзларда сингармонизмга риоя қилмаодан, мустақил талаффузини сақлаб қолган, бу фонетик хусусият аффикс функциясига ёки энклитик ҳолатга ўтганда ҳам, ўзининг қадимги ургу хусусияти-ни сақлаган деб қараш керак.

Бар гуруҳ ўзбек тили шеваларида сингармонизм қонуни мавжуд, сингармонизми ўзбек шеваларида товушлар уйғунлиги бўлгач, оўз структурасида гармония қонуни устуи, бош ургу билан сингармонизм қонуни моолашган бўлиши керак, аммо ўзбек тили шеваларида бош ургу оўз охирида деб кўрсатилмоқда. Шундай ҳолат: сингармонизм қонуни давом этаётган қадош туркий тилларда ҳам бош ургу оўз охирида деб кўрсатиш учрайди.

БҮҒИН ТУЗИЛИШИ^I

XIII-XIV асрларга оид ёзма манбаларда бугин тузилиш: бир эле -
ментли, икки элементли, уч элементли ҳамда тўрт элементли бугин
тузилиши қўлланган, очик ва ёпиқ бугинлардан иборат: унли (г),
унли+ундош (г+о), ундош+унли (о+г), ундош+унли+ундош (о+г+о), унли+
ундош+унли (г+о+г), ундош+унли+ундош+ундош (о+г+о+о), унли+ундош+
ундош (г+г+о) элементлари асосида тузилган бугинларнинг қайси бири
бирламчи эканлиги ҳақида турлача қарашлар учрайди².

Турсатилган ёзма манбалардаги кунчалик туркий оузлар ундош+
унли+ундош (о+г+о) товушлари асосида вуқудга келган: **كۈن** күн
(Рафғ.30б) - кун (сутка), **بۇل** бол (Рафғ.65б) - бул, **يول**
йол (XII, I, 38б) - йул, **تال** тәл (Таф. I Ia) - теш, **چىق** чык
(Таф. 65б) - чык, **كۈر** көр (Таф. 5 Ia) - күр, **دام** дам (Таф.
38б) - том, **تۈن** түн (XIII, 78а) - тун, **يىل** йыл (XIII, 14б) -
йил, **كەل** кәл (MH, 294б) - кел.

Ундош+унли+ундош (о+г+о) товушдан иборат баъзи оузларнинг
охирги ундоши тарихан иккиламчи ҳолат касб этган ёки н товуши ке-
йин қушилган: **سەن** сән (Таф. 10б; Рафғ.31б) < ои+н // сән-
/ - сән; **مەن** мән (Таф. 7 Ia) < би+н > бә+н > мән -
мән кабя.

Унли+ундош+унли (г+о+г) асосида тузилган бугин формалари ҳам
қўлланган: **اتا** ата (Таф. 9а; Рафғ.25а) - ота; **ايا** айә (Рафғ.24б) -
эга; **انا** ана (Таф. 17а) - она; **اوي** уйа (Таф. 49б) - авлуд, **ارى**
ары (XII, I, 62) - ари; **اكا** әкә (Таф. 17а) - опа-сингил.

Ундош+унли (о+г) товушларидан ташкил топган очик бугинлар
ҳам қўлланган: **бу** (Таф. 9б) - бу; **تە** тә (Таф. 53а) // **دى**
дә (XII, I, 38б) - де; **نە** нә (Таф. 69а; Рафғ. 120а) - ғ, нима;
ئە ә (Таф. 39а) - е. Шунингдек, икки элементли (г+о) унли+ун-

I Ш о а б д у р а ҳ м о н о в Ш. Ўзбек тилида узак структураоси-
нинг баъзи масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965.
5-сон, 54-57-бетлар; Б а о к а к о в Н.А. АЯ, Д, С. 100-106;
Щ е р б а к А.М. ГОЯТТ, С. 67-69; К о н о н о в А.Н. ГСУЛЯ.
С. 42-51; К о н о н о в А.И. ГСТЛЯ. С. 195б.

2 М а л о в С.Е. ЦШ. С. 52.

дошдан иборат ёпиқ бўғин тузилишини ҳам учратамиз: **اوت** от (Рафг.6а) - ут, олов; **اىق** айқ (Рафг.117а) - уй; **اش** аш (ХП, I, 91) - ош, овқат; **اول** ол (Таф. Iа) - у; **اير** эр (Таф. 68а) - бўл; **اي** ай (Таф. 55а) - туш.

Айрим ёзма манбаларда бир унлидан иборат очяқ бўғин (г) ҳам мавжуд. Бундай ўзақларнинг бир **гурухи** тарихан якки элементли (г+с) ёпиқ бўғинни ташкил қилган ва ўзақ таркибида ундош маълум фонетик шароитларда тушган: **او** о (Таф. I39б) < **اول** ол (Таф. 58б) - у, **او** у (Таф. I45б) - қила олмоқ, бўла олмоқ; қодир бўлмоқ.

Кўрсатилган ёзма манбаларда туркий тилларнинг тарихий тараққиёт даврларига хоо тўрт элементли ундош+унли+ундош+ундош (с+г+о+о) бўғин тузилиши ҳам учрайди: **تورت** торт (Рафг.38б; ХШ, 5б) - тўрт; **قورق** қорқ (Нф, 5) - қирқ; **кэнд**^I (Таф. 39а) - кэнт (Таф. 61а) - қишлоқ, шаҳар; **قورت** қурт (Таф. I25а) - бури; **بارق** барқ (Таф. 31б; Рафг. 98б) - ҳовли жой; **تورت** торт (ХШ, 3а) - торт; **قورق** қорқ (Рафг. 8а) - қўрқ. Шунингдек, уч элементли: унли+ундош+ундош (г+с+о) асосида вужудга келган бўғинлар ҳам мавжуд: **ارت** арт (Рафг. 55а) - авлод; **اند** анд (Таф. 69б) - оад, қасам; **ارد** ард (Таф. I12а) - орғ, орқа; **انج** энч (Таф. I7б) - энчи, совға, мерос; **اوست** уст (Таф. 89б) - уст; **ايلت** элт (ХП, I, I69) - элт; **ايرك** эрк (Рафг. I1а) - эрк.

Иккиламчи бўғин тузилиши. Иккиламчи бўғин туркий оғуз ўзақларига ясовчи аффикслар қўшилиши натижаида вужудга келган, бундай бўғинлар кенг қўламда қўлланган. Бу усул билан ҳосил бўлган бўғинлар туркий тилларда иккиламчи фонетик ҳодасадир, очяқ ва ёпиқ бўғин формаларининг такрорланиши орқали ҳосил бўлган, иккиламчи бўғин тузилиши ХШ-ХIУ асрларга хоо белгилар билан ифодаланган, оғуз структурасини ҳосил қилган.

Ўзлашган оғуларда бўғин тузилиши араб, форс-тожик тилларига хоо хусусиятларга эга.

Бўғин тузилишининг барча формалари ХI-ХII аср ёзма манбаларида ҳам қўлланган:


باش баш (ДЛТ, I, 200) - бош; **مينك** миң (КБН, 7б) - миңт; **توش** тўш (ХХ, I2) - тенг; **سوت** сўт (Замах, Iб) - сўт, **تا**

I Туркий тилда кэнд сўзи тарихан киндик, кэндик, кэнд, кўндэ каби оғулар билан боғлиқ ҳолда ривожланган ва оғуғд тилига қанглар, кушонлар даврида ўзлашган.

ата (ДЛТ, I, 214; ҚБН, 356) - ата; **ابا** аба (ДЛТ, I, 13) - она; **ابا**
 ана (ҚБН, 356; ХХ, 143) - она; **ابا** ула (ХХ, 146) - авлод; **ابا**
 ба (ДЛТ, Ш, 265; ҚБН, 10а) - боғла; **ابا** те (ХХ, 36) - де; **ابا**
 ач (ДЛТ, I, 79) - уч; **ابا** уд (ДЛТ, I, 80) - оагар; **ابا** ат (ҚБН,
 116) - от, ном; **ابا** ай (ХХ, 145) - айт; **ابا** (ДЛТ, I, 51) -
 уйла, тушин; **ابا** у (ХХ, 2) - қалла олмоқ, була олмоқ; **ابا**
 төрт (ДЛТ, I, 328; ҚБН, 18а; ХХ, 16) - тўрт; **ابا** йунд (ДЛТ, Ш,
 13) - от; **ابا** қарқ (ҚБН, 20а) - қарқ; **ابا** арт (ҚБН, 316;
 92) - ортмоқ; **ابا** ағиз (ДЛТ, I, 78, 24) - оғиз; **ابا** ээгу
 (ҚБН, 196) - ээгу; **ابا** тиргүзәмек (ХХ, 10) - тирлтармоқ.

Х У Л О С А

Туркий тилларнинг тарихий даврларида унли товушларнинг эволюцион тараққиёти мураккаб босқичларни босиб ўтган, туркий халқларида унли товушларнинг равокланиши сузлешув аъзо тилнинг биологик, физиологик хузуовитлари орқали ҳамда географик, ижтимоий, маданий муҳит асосида юз берган, туркий тилларнинг барча даврларида асосан оақкизта қисқа унли товуш характерлидир, шунингдек, унлиларнинг комбинатор вариантлари даврлар оша кенгайиб, торашиб турган. XIII-XIV асрлар туркий ёзма манбалар тилида асосан тўққизта унли товуш мавжуд: а, о, у, в унлилар орқа қатор товушлар; э, ё, ө, ү, и унлилари эва олди қатор товушлардан иборат. Шунингдек, туркий сузларнинг асосий позициясида орқа қатор этимологик а унлисининг фонематик варианты чўзиқ а: ҳамда олди қатор ўрта кенг лабланган чўзиқ ө: товушлари спородик ҳолда учрайди. Бир гуруҳ туркий ёзма обидаларда олди қатор лабланмаган тўлиқонз кенг чўзиқ э: товуши ҳам ё унлисига фонематик вариант сифатида учрайди.

Олди қатор лабланмаган кенг э унлиси XIII-XIV аср ёзма манбалари тилида туркий сузларнинг асосий позициясида олди қатор лабланмаган тўлиқонз кенг ё товушига ўтган, кейинги позицияларда оақланиб қолган, бу фонетик ҳодиса XI-XII асрлар туркий ёзма обидаларида ҳам содир бўлган. Э унлиси кўрсатилган ёзма ёдгорликлар тилида турла график хусусиятлар:  белгилари орқали ифодаланган. Э унлиси қадимги уйғур ёзувида ҳам маълум даражада махсуо ёзув белгилари орқали битилган.

Ўзлашган сузларда орқа қатор лабланмаган очик кенг а̄ (о) унлиси пайдо бўлса ҳам этимологик а товушига ниобатан фонетик вариант ҳолатида бўлган.

XIII-XIV асрлар ёзма манбалари унли товушларнинг мақдори, айрим унлиларда аз берган комбинатор ўзгаришлар билан қадимги туркий ёзма обидаларидан фарқланади, шу билан бирга, кўрсатилган ёзма манбаларда баъзи унлилар тилнинг вертикал ҳолатига кўра, қадимги туркий тилга ниобатан ўзгаришларга учраган.

XIII-XIV асрлар туркий ёзма манбаларида нотетъомлда бўлган айрим чўзиқ унлилар эоки ўзбек тили ёзма обидаларида график жиҳатдан ифодаланмаган, э товуши талаффузида торайиш юз берган. Ўзлашган айрим сузаларга хоо а унлиси туркий олди қатор лабланмаган

кенг э товушига мослашган: маҳкем, маҳкә, бәорә каби.

Ҳозирги ўзбек тилининг сангармонизми шевларида XIII-XIV асрларга оид ёзма обидаларда учрайдаган уяли товушларнинг фонетик вариантлари мавжуд, ўзбек адабий тилида эва баъзи уялилар конвергенция ҳодисасига учраган, бпр гуруҳ уялилар талаффуз яхатдан индифферент ҳолатга ўтган, бир қатор уялилар ёзувда ўз ифодасини топмаган.

XIII-XIV асрларга оид туркий ёзма манбаларда тилнинг горизонтал ҳамда вертикал ҳаракатига кўра, уяли товушларнинг ўзаро таъоиди, ҳар қайси уяли товушнинг ҳаракат тезлиги, кучи, миқдорига кўра, фонетик ҳодисалар юз берган. Бундан ташқари, оонор, жарангли, жарангсиз ундолларда просодия таъсири орқали ҳам фонетик ҳодисаларга учраган. Бир гуруҳ фонетик ҳодисалар XIII-XIV асрларга оид ёзма манбаларга хоо бўлган, амкянчи гуруҳи фонетик ҳодисалар умум туркий характер касб этган. Бир яхатдан, XIII-XIV асрлар туркий ёзма обидалардаги фонетик ҳодисалар XI-XII аср ёзма манбалари тилига ўхшаш.

Кўрсатилган даврларга оид ёзма манбалар тилида уяли товушлар турли фонетик ҳодисаларга учраган, бу фонетик ҳодисалар ўз даврига хоо хусусиятларга эга, Утиш, мослашув, редукция, протеза, эаептеза, эаептеза каби фонетик ҳодисалар содир бўлган: а//а: - аз//а:з; ак//а:к; а//о - аилар//овлар; алар//олар; а//у - тамар//тамур; боғаз//боғуз; а//ө - алқа//ишкә; э//у - кәргәт кәргүт; э//я - кәмә//кәма; у > ред-огул > оглв; ү > ред.- кәүл > кәңдә; элик > элги; в > ред. - агвз > агзв. протеза: спарла > успарла; розгар > орузгар; эаептеза: өгрәт өгүрәт.

Узлашган оузелар таркибидаги уяли товушлар асосан туркий тилнинг фонетик қонунарига мослашган, баъзан чекинишлар содир бўлган.

Кадимги туркий тил даврига нисбатан XIII-XIV асрлар ёзма обидаларида баъзи уяли товушларда айрам фонетик ўзгаришлар юз берган, бу фонетик ҳодисалар туркий оузеларнинг асосий ва кейинги позицияларида содир бўлган: а > а:, а > у, э > э > э:, е > о:, о//е: ө > у; ө > и: ач > а:ч; аз > а:з; қамар > қамур; йоган > йогун; күдао > қазаш; әр > әр > ә:р; әсида > әшат > ә:шат; өл > ө:л; қоп//көл; йөгәру//йуқару; йағирми > йағирми; эки > яки каби.

XIII-XIV асрлар ёзма манбалари билан XI-XII асрлар ёзма обидалари эски туркий тил даврига мансуб бўлгани учун юз берган фонетик ҳодисалар деярли ўхшаш хусусиятларга эга, чўзиқ уялиларнинг

график ифодаларда айрам тафовутлар мавжуд, баъзи чўзиқ унлилар ифодаси XIII-XIV аор ёзма обидаларида учрамайди.

Бир қатор унли товушлар эски ўзбек тили даврида баъзи фонетик ҳодисалар өз бериши орқали комбинатор вариантлар ҳосил қилган. Этимологик чўзиқ а: унлиси Тола Имом Ҳаравийнинг фикрига кўра, эски ўзбек тилининг дастлабки даврларида мавжуд бўлган, кейинчалик орқа қатор лаблабланмаган кенг а каби талаффуз қилинган. Олди қатор э унлиси торроқ артикуляция этилган. Бу товуш эw, тэ wэ каби сўзларда олди қатор лаблабланган тор ү унлисига ўтган:

үй, тү йэ каби. Шунингдек, кээзк, элик каби сўзларда олди қатор лаблабланмаган тор и товушига айланган: кээзк > кийик, элик > илик каби. Баъза туркий сўзларда у, ү унлилари моолашган: кү вэн // қуван, сучуг // сүчүк, изи сўзида олди қатор тор и унлиси олди қатор лаблабланмаган ўрта кенг э товушига ўтган: изи > эгэ каби. Шунингдек, тилкү // түлкү, изи // эгэ, қумуо // қимвэ каби сўзларда и // ү, а // э, у // ы унлилар моолиги пайдо бўлган.

Эски ўзбек тили ёзма манбаларида ҳам ўзлашган сўзлардаги унли товушларнинг кўнчилиги туркий тил фонетик қонунарига мослашган, орқа қатор лаблабланмаган очик кенг а(о) унлисини этимологик а товушдан фарқлашга ҳаракат қилинган.

XIII-XIV аорларга оид туркий ёзма манбалар асосан араб ҳамда қадимги уйғур ёзуви орқали ифодаланган, шунга кўра, қ, ғ, к, г, х товушларидан ташқари, ундошлар шаклан индифферент, талаффузда сингармонизм қонунига риоя қилган. Кўроатилган ёзма обидаларда 27 та ундош товуш қўлланган, бундан ф, ь (айн) ва эмфатик ундошлар талаффуз қилинмаган, бу ёзма ёдгорликларда сонорлар, жарангли ҳамда жарангсиз ундошлар ўз даврига хос қуоусиятлар касб этили билан бирга, умумтуркий характерга эга. XIII-XIV аорлар туркий ёзма манбаларда бир гуруҳ қорилик ундошлар (мт, лт, нт, нч, нй; м + т, л + т, н + т, н + ч, н + й) дивергенция ҳодисасига учраган. Шунингдек, б, ғ, г ундошлари комбинатор ўзгаришларга учраши орқали лаб-тиш w, лаб-лаб в товушлари пайдо бўлган, w, в ундошлари туркий тиллар учун янги товушдир, ўзлашган сўзлар таркибда қўлланган в ундоши билан конвергенция ҳодисасига учраган. Бундан ташқари, ўзлашган сўзлар таркибдаги ж (ج) ундоши ҳам янги товуш сифатида мавжуд, ҳатто чождэ каби сўзларда истеъмолда бўлган.

з (ذ) ундоши XI-XII ҳамда XIII-XIV аорларга оид ёзма обидаларда

лар тилда туркий сўзларнинг иллаут, интервокал ауолаут позиция-
да и, з, й товушларига қараганда кенгрок учрайди, қадимги тур-
кий тилда э товуши ўрнида эса д ундомлигина мавжуд бўлган.

Кўрсатилган даврлар ёзма манбаларида й ундомининг истеъмоқ доираси бир гурупа туркий сўзлар таркибидаги э, ѡ, в, г, г то-
вушларининг й сонорага ўтиши орқали кенгайган.

д, г, х ундомлари кўрсатилган давр ёзма манбаларда, шунинг-
дек, туркий тилларнинг барча даврларида қаттиқ айтелувчи туркий
сўзлар таркибда келиши қонуният ҳисобланади, шу билан бирга, спи-
рант х ундоми туркий сўзларда к, г товушларининг комбинатор ўзга-
риши орқали пайдо бўлган, х ундоми V-IX аср туркий ёзма обидалари-
да мавжудлиги маълум эмас, х товуши X асрдан бошлаб ўзлашган сўз-
лар составида ҳам учрай бошлаган. Таркибда қ, г, х ундомлари учрай-
миган ўзлашган сўзлар қўнунча қаттиқ талаффузга мойил бўлган, қис-
ман шикеланишлар ҳам учраб туради.

к, г ундомлари ёшмоқ ўзакли туркий сўзларнинг таркибда мав-
жуд, бу ундомлар туркий тилларнинг барча даврларида ҳам палатал
гармонияли сўзлар учун характерли ҳисобланган.

Шунингдек, к, г ундомлари кўрсатилган ёзма манбаларда ҳамда
туркий тилларнинг барча даврларида ўзлашган сўзлар таркибда ёшмоқ
талаффуз қилишга мойил бўлган, баъзан таркибда к ундоми учрайди-
ган ўзлашган сўзлар талаффузда шикеланишлар учрайди.

XV-XIV асрлар ёзма обидалари тилда портоловчи т ундомининг
карангиллаши ҳамда туркий сўзларнинг анлаут позициясида жарангли
д товушига ўтиши учраб туради, қадимги туркий тил даврига нисбатан
иллаутда, ауолаутда д товушининг истеъмоқ доираси кенгайган. Тур-
кий сўзларнинг анлаут, иллаут ҳамда ауолаут позицияларида т > д
фонетик ҳодисаси қабилавий тил-хусусиятларни ёдodalаган. Қадимги
туркий ёзма обидаларда (VII-X асрлар) д ундоми сўз бошида учмай-
ди. Эски ўзбек тили ёзма манбаларида эса д товушининг сўз бошида
учраши кучайиб борган.

Кўрсатилган ёзма манбаларда жаранговз қ, к ундомларининг
карангиллаши ҳодисаси, анлаутга томон силжиши ҳамда қ, к ундомла-
рининг жарангиллашган варианты, г, г товушларининг тушиб қолиш
қараёни ҳам тарихий диалектал хусусият каоб этган. Жарангли г ун-
домининг интервокал позицияда мавжудлиги ҳам тарихий-диалектал ху-
сусиятларни акс этдрган.

Ўзгарилаётган ёзма обидалар тилига ўзлашган ундомлар эсосан

туркий тил қонунларига молашган.

Туркий сўзларнинг иллаут, ауолаут позициясида қайс тилорка г ундоши кўрсатилган даврларга оид ёзма манбаларда араб ёзувида баъзан махоус график белги орқали ифодаланган. Шунингдек, г ундоши кўрсатилган позицияларда мавжудлиги г товушига нисбатан ҳам белгилаш мумкин. Жарангли, аффрикат қ ундошларнинг қўлланиши маълум эмас. Бундан ташқари, XIII-XIX асрларга оид ёзма манбалар тилида ундош товушларга хоо фонетик ҳодисалар мавжуд: р > з: иргә > издә; р > г : өргәд > өргәд; к > ч: экә > эчә // эчд; к > ш: үлүк > үлүш; б > в : убут > увут; л // с: алтн // асгн; г > о: барган > баран; г > о- кәлгән > кәлән; д > г: бугдай > бугдай каби. Шунингдек, бу даврларда жарангсиз ундошлар гармонияси ҳам юзга келә бошлаган эди: кәтди > кәтти; ачдв > ачтв каби. Туркий сўзларнинг иллаут позициясида сонор+жарангсиз ҳамда жарангли+жарангсиз: мт, лт, рт, рк, гк, нт, нч ёки бунинг аксини ифодаловчи тм, тл, қг, кг, тн, чн каби фонетик ҳодисалар маълум даражада сақланган.

XIII-XIV асрлар ёзма манбаларида туркий сўзларнинг охирида сонор н ҳамда н бурун товушлари мослашган ёки н ундоши н товушага ўтган, сонор қоршиқ н ундоши қадемги туркий ҳамда XI-XII аср ёзма обидалари тилида кенгрок кўламда учрайди: қалқәң > қалқан, қараңқу > қарангу, отуң > отун каби. Шунингдек, ўрганилаётган ёзма манбаларда м сонори, жарангли б ундошлари мослашган: мән // өн, мунуң // бунуң каби. Н сонори эса айрим туркий сўзларнинг иллаут, ауолаут позицияларида учрайди, бу ундошда назализация ҳодисаси юз берган: қайда > қайда, қой > қой; чвган > чвгай каби.

Кўрсатилган ёзма манбаларда геминация ҳодисаси айрим икки бунгли туркий сўзларда содир булган, геминатлар асосан т, қк, л ундошларида юз берган, ташдид белгиси билан ифодаланган. XIII-XIV асрлар туркий ёзма манбаларда сингармонизм қонуни мавжуд, сингармонизм қонуни туркий ва мўғул ва бошқа олтой группасига оид халқлар тилларига хоо фонетик ҳодиса ҳисобланади. Бу фонетик ҳодиса диалектик қонун асосида ривожланган, туркий тилларда, жумладан XIII-XIV асрлар ёзма обидаларида сўз ўзати билан унинг ясовчи, ўзгартирувчи формалари ўзаро боғланган. Шунга кўра, палатал-велярь, лаб гармонияси мавжуд. Шу билан бирга, ундош товушларда ҳам асси-миляция, дисимиляция ҳодисалари орқали жарангли ҳамда жарангсиз ундошларда оҳангдошлик қонуни мавжуд. Шунингдек, ўзлашган сўзлар кўпинча сингармонизм қонунига мослашган, шу билан бирга, ўзлашган,

баъзан туркий сўзларда оингармониязм қонунининг бузилиш ҳоллари айрим ўринларда учраб туради.

Сингармониязм қонуни билан ургу туркий сўзларда бир-бири билан мос ҳолда ифодаланган, бидини бари инқор қилмайди. Туркий тилларга хоо бу фонетик хусусият флектив тилларга наобатан қарима-қарши ҳолатга эга. Курсатилган ёзма манбаларда бугин тузилиши умумтуркий хусусиятга эга.

МУЎҚАРИЖА

Эски туркий тил ҳақида қисқача маълумот (XI—XIV).....	3
Шартли қисқартмалар.....	22
Ёзма манбалар тилидаги унли ва ундош товушлар учун қўлланган транскрипцион белгилар.....	30
I боб. Фонетикага кириш.....	35
Вокализм.....	39
II боб. Консонантизм.....	72
III боб. Фонетик ҳодисалар.....	115
Унли товушларда фонетик ҳодисалар.....	115
У—Х ва ХШ—XIV аср ёзма манбалари тилида унлилардаги ўзгаришлар қиёси.....	127
Ундош товушларда фонетик ўзгаришлар.....	133
Сингармонизм.....	202
Урғу масаласига доир.....	212
Бугин тузилиши.....	218
Хулоса.....	221

Кызакбай Махмудов

Фонетика тюркских письменных памятников XIII—XIV веков
На узбекском языке
Ташкент, "Фан"

ЎзССР ФА "Ўрмат белгиси" орденли А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қулёзмалар институти илмий Советлари ҳамда Ўзбекистон ССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир А.Комилова

Мусаввир И.Циганов

Корректор М.Саидова

ИБ №158

Босишга рухсат этилди 30.03.1990.

Қоғоз формати 60x84 I/16. Нусха қулайтириш аппаратлари учун мулкхалланган қоғоз. Ясси босма. Шартли босма т. 13.

25. Ҳисоб-нашриёт т. II, 8. 500 нусха. Буыртма 90%.

Баҳоси 2 сўм 50 т.

ЎзССР "Фан" нашриёти: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎзССР "Фан" нашриётининг босмаҳонаси: 700170. Тошкент,
М. Горький проспекти, 79.

2 с. 50 т.

